

ИНСОН

Президент Ислам Каримовнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар! Хонимлар ва жаноблар! Азиз меҳмонлар!

Бугун Ўзбекистон ҳаётида унутилмас кун, улкан тантана. Қашқадарё эли, бугун халқимиз гўзал ва бетакрор диёримиз тарихидаги кутлуг сана — қадимий Насаф — навқирон Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйини катта хурсандчилик билан нишонламоқда.

Мана шу қувончли айём муносабати билан сиз, азиз юртодошларимни, сизларнинг тимсолингизда Қашқадарё аҳлини, бугун ўзбек халқини чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрамга узоқ-яқиндан ташриф буюрган қадрли меҳмонларимизни, ЮНЕСКО ташкилоти, хорижий давлатлар элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларини бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз номидан самимий кутлашга ижозат бергайсиз.

Хурматли юртодошлар! Хар бир қарич ери муқаддас бўлган она Ўзбекистонимиз тулроғида жойлашган ва бутун жаҳон аҳлига ўзини танитган, ёши асрлар, минг йилларга тенг келадиган машҳур шаҳар ва масканлар, бебаҳо моддий ва маънавий мерос ёдгорликлари билан халқимиз, барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Биргина саховатли Қашқадарё заминидан 2700 йиллик тарихга эга, нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан эътироф этилган Шаҳрисабз ва Қарши каби шаҳарларнинг мавжудлиги ҳам бизнинг тарихий илдишларимиз нақадар чуқур ва нақадар қадимий эканидан яққол далолат беради.

Ўзининг узоқ ва бой ўтмиши давомида гоҳ Никшапа, гоҳ Нахшаб, кейинчалик Насаф деган номлар билан аталган кўҳна Қарши шаҳри тарих ва башариёт учун аввало бетакрор цивилизация ва маданият бешиги сифатида, кўп-кўп улуг сиймолар, буюк мутафаккир зотлар, азиз-авлиёларнинг ватани сифатида қадрли ва муқаррамдир. Бу юрт ўз тарихида кимларни, қандай оғир ва машаққатли синовлар, тўфон ва суронларни кўрмаган. Бу ерга кимлар келиб кетмаган. Бу юрт не-не хонлар, амирлар, чор истилосининг зулм ва зўравонликларини бошидан кечирган.

Яқин ўтмишда, мустақил тузум даврида ҳам шу бетакрор ерда яшаётган, ўз қадр-қимма-

тини чуқур англайдиган элни қатағон қилиш, тазийқ остига олиш, унинг устидан турли бўхтон ва уйдирмаларни тўкиш, шаъни ва ғурурини топташ каби қандай азоб-уқубатларни Қашқадарё аҳли бошидан кечиргани, жабр тортгани ҳали-бери ёдимизда. Лекин, ҳар қандай қиргин ва фожиаларга қарамасдан, бу воҳанинг, Қаршидек умри боқий шаҳарнинг ҳаёт ва давр синовларидан омон ўтиб, мана шу ёруғ кунларга етиб келгани шу заминда яшаб ўтган аждодларимиз, бугун ҳаёт кечираётган авлоднинг мустақам иродаси, эркинлик ва озодликка интилиш туйғуси нақадар кучли эканининг тасдиғидир, десам, ҳеч қандай муболага бўлмайд.

Бугунги кунда Қарши шаҳрининг нафақат кўҳна тарихий маскан, балки ҳар қандай одамнинг ҳам эътиборини ўзига тортадиган навқирон, замонавий шаҳарга айланиб тургани истиқлолимизнинг бекиёс қудрати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг амалий исботидир.

Азиз дўстлар! Қадимий Насаф шаҳри нафақат ўзининг муҳташам асрий обидалари, балки илму фан, унор-мандчилик, адабиёт ва санъат, муқаддас ислом дини, ислом фалсафаси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк фарзандлари билан тарихимизда алоҳида ўрин тутди. Унинг ўз даврида мусулмон оламидаги мадина, яъни муаззам шаҳар мақомига эга бўлган саккиз шаҳарнинг бири сифатида тарихий манбаларда эътироф этилиши ҳам бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Айниқса, бу табаррук масканда шаклланган юксак маданият, илмий-маънавий муҳит туфайли бу ердан Насафий тахаллуси билан ном қозонган юзлаб фозил инсонлар етишиб чиққан ва улур ўз она юрти шўхратини бутун дунёга тараннум этган. Ана шундай бетакрор сиймолар қаторида ҳадис илмининг билимдонларидан Абул Аббос ал-Мустағфирий, Абу Туроб Нахшабий, етук шоир ва олимлар Зиёвуддин Нахшабий, Муйиддин Насафий, Сайидо Насафий, ҳуқуқшунос аллома Нажмиддин Насафий, калом илмининг намояндаси Абул Муъин Насафий, файласуф Азизиддин Насафий, моҳир меъморлар Али Насафий, Олим Насафий ва бошқа кўплаб улуг зотларнинг мўтабар номларини бугун ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз. Уларнинг бой илмий ва ижодий фаолияти, қолдирган меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, бу бебаҳо бойликни келгуси авлодларимизга етказиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Таассуфки, юртимизда истилочи ва мустақил тузумлар, қадриятларимизни йўқ қилишга қара-

тилган зўравон мафкура ҳукмронлик қилган йилларда бизни ана шундай буюк маданий мерос, маънавий бойликлардан, ўзлигимиз, дину диёнатимиздан жудо қилиш, халқимизнинг миллий ғурурини синдириш мақсадида Қарши шаҳридаги кўлаб қадимий ва бетакрор обидалар бузиб ташланди. Абдулазиз ва Қиличбек мадрасалари, Одина масжиди каби омон қолган айрим меъморий обидалар эса қамоқхоналарга айлантирилди. Аллақандай «Ардом», «Домзак» деган муҳтасаб номлар билан аталди.

Мана шунинг учун буюк тарихимизни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ундан зарур сабоқ чиқарган ҳолда йўл туттиш, бошқача айтганда, мозийга қайтиб иш кўриш хайридир. Бугунги дориламон кунларда эркин ва озод нафас олиб яшар эканмиз, яқин ўтмишимизда юз берган ана шундай машъум кунларни, уларнинг сабоқларини ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Қадрли ватандошлар! Биз Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйини нафақат миллий тарихимиз, балки умумбашарий тараққиёт тарихида бекиёс ўрин эгаллайдиган улуг аждодимиз, буюк давлат арбоби ва саркарда, соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг 670 йиллик таваллуд айёми билан бирга нишонламоқдамиз. Бунинг замирида теран рамзий маъно, ўзига хос тарихий боғлиқлик бор, албатта. Нега деганда, ўз тимсолида миллатимиз, халқимизга мансуб бўлган ақл ва заковат, бағрикенглик ва Ватанга содиқлик, қатъиятлик ва бунёдкорлик салоҳиятини мужассам этган ва дунёга намоийш қилган Амир Темурининг ҳаёти ва фаолиятини, унинг миллий озодлик учун, мустақил ва қудратли давлат барпо этиш учун олиб борган курашини Қарши шаҳрисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Соҳибқирон ҳазратларининг халқимизни мўғул зулмидан халос этиш, пароканда эл ва элатларни бирлаштириш, диёнат ва адолатни қарор топтириш, илм-фан, маърифат ва маданиятни юксалтириш йўлидаги буюк орзу-ният ва интилишларига мана шу Қарши замини мустақам қанот берган, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз. Айни Қарши диёридан етишиб чиққан табаррук зот — пири мурид Шамсиддин Кулолнинг оқ фотиҳасини олиб, Амир Темури эзгу мақсадлар йўлида илк қадамлар қўйгани, Соҳибқирон бобомизнинг оқилона сиёсати ва сазой-ҳаракатлари туфайли ушбу шаҳар Мовароуннахрнинг йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан бирига айлангани ҳақида кўҳна тарихимиз гувоҳлик беради.

(Давоми 2-бетда).



Гўзал юртнинг дуру гавҳари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ҳамда соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 670 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этди.

Истиқлол туфайли аждодларимиз томонидан яратилган улкан маънавий-маданий меросимиз қайта тикланди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда улуг боболаримизнинг таваллуд саналари кенг нишонланиб, муқаддас қадамжолар обод ҳолга келтирилмоқда. Тарихи неча минг йилларга бориб тақаладиган шаҳарларимиз юбилейларини халқаро миқёсда нишонлаш аънаёнага айланди. Жумладан, қадимий ва бой тарихи, бетакрор маданияти, буюк сиймолари билан жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган Қарши шаҳрининг 2700 йиллигининг нишонланиши тарихимизни янада теранроқ ўрганиш, шаҳарсозлигимиз, маданиятимиз илдишларини чуқур тадқиқ этиш имконини берди.

2004 йил 29 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга таъйинланган қўриш тўғрисида»ги ҳамда 2005 йил 26 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди. Мазкур ташаббуснинг ЮНЕСКО томонидан қўлаб-қувватланиши буюк бобомиз, соҳибқирон Амир Темури ватани кўҳна Насаф — бугунги Қаршига нисбатан жаҳоний эътибор ва эътирофнинг яна бир далили бўлди.

Шаҳар юбилейи муносабати билан Одина, Кўкғумбаз, Хўжа Абдулазиз, Қиличбой, Бекмир, Шарофбой каби масжид ва мадрасалар таъмирланди. Мустақил тузум даврида қариб мақсадларда фойдаланилган, оёқости қилинган, пойдеворлари нураб, йўқликка юз тутган маънавият ва маърифат масканлари бугун қайтадан ўз ҳолига келтирилиб, яна эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилмоқда. Асрлар оша воҳа аҳлининг етакчи қисмини сув билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этган кўҳна сардобалар тикланди, қадимги кўприклар таъмирланиб, шаҳар худудидан келиб ўтувчи Қашқадарё соҳилларида, сузиш ҳавзаларида кенг қўламли ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Албатта, муқаддас қадамжолари билан машҳур бу қадим шаҳардаги ноёб тарихий-меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш билан бир қаторда ўнлаб маъмурий, ижтимоий-مائий иншоотлар, кўркам боғроғлар, раво кўча ва йўللار барпо этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бугун шаҳар кўркига кўрк қўшиб унинг бой тарихидан гувоҳлик бериб турган кўҳна мадрасаларга замон талаблари асосида қурилган салобатли касб-хўна коллежлари ва академик лицейлар қўшилди.

Улуғвор тарих ва бугуннинг нафаси акс этган қадим ва навқирон шаҳар жамолидаги меъморий уйғунлик шакл ва мазмун жиҳатидан ҳам яхлит бир композицияни ташкил этгани қувончлидир. Гап янгича қиёфа касб этган шаҳар Марказий майдони, Олимпия захиралари коллежи, енгил атлетика манежи ва ёпик сув спорти ҳавзаси, янги марказий стадион, хотин-қизлар спорт мажмуи, амфитеатр, истироҳат боғлари ва бошқа ўнлаб иншоотлар хусусида бормоқда. Шаҳар инфратузилмаси - янги турар-жойлар, кенг қўламли ободонлаштириш ишлари, аҳолини газ ва ичимлик сув билан таъминлаш, алоқа, транспорт, соғлиқни сақлаш ва коммунал хизмат кўрсатишни янада яхшилаш борасида амалга оширилган салмоқли ишлар шаҳар аҳлининг турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилиши, уларнинг руҳиятига ўқтамлик бағишлаши билан ҳам бекиёс аҳамият касб этди.

...Қадим Нахшаб — Қашқа воҳасининг юраги. Тарихий обидалар макони. Бугун Қарши билан боғлиқ юзлаб асотиру афсоналар билан бирга асл тарихий ҳақиқат уйғонди. Шаҳарнинг бой кечмишидан ҳикоя қилувчи тарих китобларининг саргайган саҳифаларига монанд жилоланаётган олтин куз фаслининг жамоли шаҳар хусну тароватида ҳам ўз аксини топгандек, Тарихий обидаларнинг нақшинкор кошнларида аксланаётган зиёдан кўзлар қамашади. Буюк алломаларга бешиқ бўлган бу мўтабар шаҳарнинг кенг ва раво кўчалари, сўлим ва салқин боғлари бугун ҳар қачонгидан гавжум. Байрам қайғитидаги ҳамюртларимиз чехрасидаги табассум бамисоли куз офтобидек жозибдор, ёқимли.

(Давоми 2-бетда).

Президент Ислам Каримовнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мана, қарийб етти асрдирки, Амур Темур бобомизнинг ўлмас номи, сўнмас шон-шавкати, бунёдкорлик фаолиятига бўлган қизиқиш бутун дунёда тобора кучайиб бормокда. Бунинг биргина шу йилнинг ўзидagina Испания, Бельгия, Франция каби мамлакатларда улғайиб ажодимизнинг таваллуд айёмига бағишлаб ўтказилган қатор илмий анжуман ва маърифий тадбирлар, хусусан, кучи кеча Парижда машҳур олим Люсен Керен томонидан «Самарқандга — Амир Темур даврига саёҳат» номли фундаментал асарнинг нашр этилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, ўз даврининг энгилмас қахрамони, миллатнинг ҳақиқий етакчиси, фавқуллодда буюк шахс, буюк инсон бўлган Амир Темурнинг бетакрор ҳаёти ва фаолияти, жасорати ва ибрати бугунги кунда бизнинг ёруғ келажагимизга ишонч бағишлайди, олдимизга қўйган мақсадларга эришиш учун чексиз куч-қувват, қатъият ва шижоат бахш этади.

Хурматли дўстлар!

Тақдир деймизми, туз-насиба деймизми, ҳаётимнинг узвий бир қисми, ҳеч унутилмас даври мана шу Қашқадарё замида кечди. Шу боис, мен бу гўзал юртга нисбатан қалбим тўрида меҳр-муҳаббат туйғусини сақлаб, қизгин меҳнат, эзгу орзу-ният ва интилишлар билан ўтган ўша йилларни доимо миннатдорлик билан эслаймаман. Ўша мураккаб пайтларда оғир муаммолар гирдобида қолиб кетган Қашқадарё вилоятида мавжуд бўлган ночор аҳволни ўнглаш, юртни обод этиш йўлида сиз, азизлар билан қандай ҳаракатлар, қандай катта мақсад ва режаларни амалга оширишга эришганимиз, ўйлаётганимиз, барчамизнинг хотирамизда ёрқин саҳифа бўлиб қолажак.

Шахсан мен умримнинг энг қизгин, суронли ва бахтли давларини Қашқа воҳасида ўтказганимни, шу юртда ўзим учун ҳаётим мактаб, катта тажриба топанганимни, сизларнинг қувонч ва ташвишларингизга шерик бўлиб, меҳр-оқибат кўрганимни ҳеч қачон унутмайман.

Орадан йиллар ўтиб, истиқлолга эришиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олганимиздан сўнг, Қашқа воҳасининг қадимий тарихи, юксак нуфузини қайта тиклашга, Қарши шаҳрини ўз салоҳияти ва аввало, шу юртда яшаётган мард ва танти халқнинг меҳнати билан мамлакатимизнинг энг гўзал ва кўркем шаҳарларидан бирига, йирик саноят ва маданият марказига айлантиришга муяссар бўлдик. Қарши шаҳрининг қутлуғ тўйи муносабати билан вилоятда фақат сўнгги икки йил давомида кўплаб объектларда амалга оширилган қурилиш, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишларига қарийб 50 миллиард сўм маблағ сарфланганини ўзиёқ бажарилган ишлар кўламини қанчалик улкан эканини яққол кўрсатиб турибди.

Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, бу қадимий шаҳарнинг тарихий қиёфасини тиклаш мақсадида қилинган ишларни, хусусан, эски шаҳар қисмининг, Регистон майдони, ўнлаб меъморий обидаларнинг тубдан қайта тикланиб-таъмирлангани, янгича кўрку салобат касб этгани барчамизга мамнуният билан бирга, беихтиёр халқимизнинг руҳини кўтарадиган бундай бунёдкорлик ишларини давом эттиришга ишонч бағишлайди.

Айни пайтда Мустақиллик майдони, Марказий ва Болалар истироҳат боғи, амфитеатр майдони, кўплаб янги турар-жойлар, тиббиёт ва маданият муассасалари, кенг ва равон кўчалар, обод бозор ва кўркем хиёбонлар мисолида Қарши шаҳрининг замонавий қиёфасини кўришимиз мумкин. Айниқса, бизнинг олий мақсади-миз бўлмиш соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига хизмат қиладиган замонавий лицей ва коллежлар, янги мактаблар, Олимпия захиралари спорт коллежи, энгил атлетика манежи ва ёпиқ сув спорти ҳавзаси, янги марказий стадион, хотин-қизлар спорт мажмуаси нафақат вилоятда, балки бутун мамлакатимизда алоҳида ўрин эгаллайди.

Қадри дўстлар, биродарлар, менга буюрса, мана шундай ҳаяжонли дақиқаларда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг юксак ғурур ва ифтихор тўла сўзларини давом эттириб, шундай деган бўлардим: кимки бизнинг куч-қудратимизни, халқимизнинг азму-шижоатини, қандай буюк ишларга қодир эканини кўрмоқчи бўлса, мана шу Қарши шаҳрида, бутун Ўзбекистонда амалга ошираётган бунёдкорлик ишларимизни келиб кўрсин.

Азизларим, «Қарши» деган сўзнинг «қаср, сарой» деган маънони англатишини кўпчилигингиз яхши биласиз. Мен бугунги хурсандчилик кунда қадимий Қарши шаҳрини саройдек гўзал шаҳарга айлантириш учун кечани кеча, кундузни кундуз демасдан сидқидилдан меҳнат қилган қўли гул қурувчи ва ишчиларга, муҳандис ва меъморларга, пудратчи ва ҳомий ташкилотларга, республика вазирликлари ва ҳокимият идоралари мутасаддиларига, бу олижаноб ишга ўз хиссасини қўшган барча инсонларга ўз номидан, бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, қарийб 700 минг тонна галла, 435 минг тоннадан зиёд улкан пахта хирмонини бунёд этиб, бугунги байрамни ёруғ юз билан қўлиб олаётган Қашқа воҳасининг миришкор ва фидойи деҳқонларини, барча меҳнаткашларини қўлаб, баримга босиб, қалбимдаги энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Ишончим комилки, ёш авлодимиз, келгуси насллар биз бошлаган мана шу ишларнинг муносиб давомчилари бўлиб, она юртимиз, бебаҳо тарихимиз, улғайиб ажодларимиз, қадимий шаҳарларимиз билан ҳамisha гурурланиб яшайди. Улардан куч ва руҳий қувват олиб, жонажон Ўзбекистонимиз доврўгини бутун оламга тараннум этади.

Гўзал Қарши шаҳрининг қутлуғ тўйи билан сизларни яна бир бор муборакбод этиб, барчангизга сихат-саломатлик, бахту саодат тилайман.

Она заминимиз доимо гуллаб-яшнасин, файзу баракага тўлсин! Эл-юртимизни Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин! Қарши шаҳри, Қашқадарё аҳли ҳамisha омон бўлсин!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 27 октябрь кун мазкур шодиёна муносабати билан Қарши шаҳрига ташир бу-юрди.

XVI асрда бунёд этилган Кўкғумбаз масжиди — шаҳар юбилейига тайёргарлик доирасида таъмирланган қирққа яқин тарихий обиданинг бири.

Давлатимиз раҳбари ушбу даргоҳда амалга оширилган тиклаш ва таъмирлаш ишлари билан танишар экан, масжид меҳробиди билан тилган қадимий ёзувларни асл ҳолича сақлаш ва асраб-авайлаш, бу ҳикматларнинг мазмун-моҳиятини юртдошларимизга, айниқса, ёшларга тушунтириш лозимлигини таъкидлади. Унинг атрофини кенг боққа айлантириш, бу ерда хушманзара бута ва дов-дараклар

саркардаларни вояга етказган, шу эл-юртнинг мана шундай мунаввар кунларга етиб келишида беқиёс куч-қувват ва мадад берган ким?

Бунга жавоб битта — минг йиллар олдин мана шу мўътабар заминда илдириб отиб, Оллоҳнинг марҳамати ва неъматини, ўзининг оғир ва машаққатли меҳнати билан шу юртни обод этган, ҳаётни тебратган — бу инсон, ва шу инсонни тарбиялаган оила ва халқдир. Биз ана шу эзгу гоёни томирлари теран ва бақувват, ҳар қандай сурон ва тўфонларга бас келиб, энгилмасдан яшаб келаётган азамат ва қудратли халқимиз ҳаётининг негизи бўлмиш оддий ўзбек оиласи тимсолида ифода этишга интилдик. Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, бу ҳаётнинг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келаётган, ҳаёт боқийлигини таъминлайдиган ин-

сонлар сиймосини мужассам этган мана шу гўзал бадийи обидани айнаган шу тарихи дунёга келди.

Этибор беринг, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, ушбу ҳайкал пойидаги тегирмон тоши бамисоли ҳаёт гардиши каби шиддат билан айланиб, замон, давр тинимсиз ўзгариб боришини англатиб турибди. Тегирмон тоши узра эса бир-бирини асраб-авайлаб, бир-бирига елкадош бўлиб, ўз она замида мустаҳкам турган, диёрини бутун дунёга танитган, ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам ўзига ишониб яшаётган, халқимизнинг таянчи ва сунъчи бўлган меҳнаткаш оила тасвири мужассамлашган.

Мана шу муҳташам монументда намоён бўлган сиймолар қаддиқомати, чехраси, қиёфаси ва қарашлари билан айнаган Қашқадарё воҳасида яшайдиган, чўл синовлари ва қийинчиликларида тобланган одамларни ўзида яққол акс эттиради, десам, янглишмаган бўламан, деди Ислам Каримов.

Оила бошлиғи бўлмиш ота сиймосида бутун куч-қуввати ва меҳрини оиласи ва фарзандларига, эл-юртига бахш этган, қўли қадок, бағрикенг, фидойи ва заҳматкаш инсон қиёфаси, она тимсолида эса мунис ва меҳрибон ўзбек аёли намоён. Ҳаётга катта ишонч билан кириб келаётган, илм-маърифатга ташна навқирон йигит — ўғил сиймосида оталар ишини муносиб давом эттиришга қодир, азму-шижоатли ёш авлод вакилини, она бағридаги навниҳол қизча тасвири орқали эса — оиланинг файзу кўрки, бахт ва гўзаллик рамзи, ҳаёт давомчиси бўлган ўзбек қизини кўрамыз. Шу маънода, ўйлаётганимиз, ушбу ҳайкал тимсолида Қашқа воҳасида яшаётган ҳар қайси инсон худдики ўз қиёфаси ва ўз оиласини кўргандек бўлади.

Шунинг учун ҳам ушбу монументга «Эл-юрт таянчи» деб ном берсак, шу муаззам ҳайкалда миллий гоёмизнинг бош мақсади ўзининг чуқур аксини топган, у ҳаётимиздаги энг олий қадрият бўлмиш инсонни улғулашдек талаб ва мезонга ҳар томонлама жавоб берган бўлур эди, деди Президентимиз.

Биз кўп маъноли бу ҳайкал пойига гулчамбар қўяр эканмиз, айни пайтда, юқорида зикр этилган фикрларни чуқур англаб, Қашқадарё воҳасининг қадимий тарихига, шу заминда яшаб ўтган буюк мутафаккир ва азиз-авлиёлар хотирасига бош эгамиз, бугунги кунда шу юртни ардоқлаб, обод қилиб келаётган, унинг ёруғ келажаги учун фидокорона меҳнат қиладиган барча инсонларга ҳурмат ва эҳтиром бажо келтирган бўламыз.

Мен ишонаман, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, орадан йиллар, замонлар, асрлар ўтар, лекин мана шу ҳайкалда акс этган

лей муносабати билан бунёд этилган улкан амфитеатр барча вилоятлардан келган вакиллар, воҳа фаоллари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан гавжум.

Соат 17.30. Чорлов мусикаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари тантанали маросим иштирокчиларини, уларнинг сиймосида Қашқадарё аҳлини, бутун халқимизни Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейи ва соҳибқирон Амир Темурнинг 670 йиллиги тўйи билан муборакбод этди. Бугунги кунда Қарши шаҳрининг нафақат қўнча тарихий маскан, балки навқирон ва замонавий шаҳарга айлангани истиқлолимизнинг беқиёс қудрати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг амалий тасдиғи эканини таъкидлади.

ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги доимий вакили Майкл Барри Лейн байрам аҳлига мазкур нуфузли халқаро ташкилот Бош директори Коичиро Мацууранинг самимий қўлловини етказар экан, қадимги Насафнинг ҳаёт таракқиётида тулган ўрнига юксак баҳо берди.

«Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими раиси Январ Иноятов, Қарши давлат университети талабаси Нилуфар Аббосқонова юртимизда миллий қадриятларимизни тиклаш, бой тарихимизни ўрганиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар, жумладан, қадимий-Қаршининг бугунги тўйи учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Шаҳар юбилейига бағишланган театрлаштирилган дастурларда қадим Насафнинг узоқ ва яқин ўтмиши ҳамда бугунги кун бадий лавҳаларда ифода этилди.

Куй қўшиққа, қўшиқлар рақсга уланди. Истиқлол, истиқбол, юрт озодлиги ва ободлиги, халқимизнинг фаровон ҳаёти, тинч ва осойишта турмуши тараннум этилган наволар таралди.

Ҳа, улғувор ишлар туфайли озод юртнинг обод шаҳарларидан бирига айланган қадим ва ҳамisha навқирон Қаршининг юбилейи тимсолида бетакрор она диёримизнинг, халқимизнинг ҳаётини цивилизациясига қўшган хиссаси яна бир бор намоён бўлди. Зотан, буюк ишларга қодир халқ буюк байрамларга муносибдир. Истиқлол туфайли биз ўнлаб ана шундай байрамларни нишонладик. Келгусида бу каби байраму шодиёналар янада кўп бўлишига шубҳа йўқ.

Ҳулом МИРЗО,
Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
Ўза махсус мухбирлари

Гўзал юртнинг дуру гавҳари

экиш юзасидан тавсиялар берди.

Мустабид тузум даврида қамоқхонага айлантирилган Одина ёдгорлик мажмуи қисқа вақт ичида тўла реконструкция қилинди. Ислам Каримов ушбу ноёб обидани таъмири сифатли амалга оширилганини таъкидлади. Бу ерда ташкил этилган «Ўзликни англаш» маркази фаоллари — қаршилиқ ёшлар вакиллари билан суҳбатлашди. Юртимизнинг турли худудларидан келиб, улкан қурилиш ва таъмирлаш ишларида фаол иштирок этган қурувчи, уста ва муҳандисларга миннатдорлик билдирди.

Қарши шаҳрининг қутлуғ тўйи муносабати билан бунёд этилган Марказий деҳқон бозоридида тадбиркорлар ва харидорлар билан мулоқотда бўлди. Болалар дам олиш боғи ва унга туташ худудда қад ростлаган замонавий меҳнат уйини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳри марказида барпо этилган «Эл-юрт таянчи» монументининг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

— Бугун Қашқадарё замини, бутун Ўзбекистонимиз тарихида қутлуғ ва унутилмас сана, — деди Президентимиз. — Қадимий Насаф — навқирон Қарши шаҳри ўзининг 2700 йиллигини катта тантана, катта шодиёна билан нишонламоқда.

Айни пайтда барчамиз мана шу қувончли воқеа, нафақат Қашқа воҳаси, балки мамлакатимиз ҳаётида унутилмас из қолдирадиган буюк санага бағишлаб ўрнатилган салобатли ҳайкалнинг очилиш маросимида жамулжам бўлиб турибмиз.

Ҳеч шубҳасиз, ҳаммамизда Қарши шаҳрининг қоқ марказида қад ростлаган бадийи обиданинг бугун нишонланаётган тарихий воқеа билан узвий боғланиши ҳақида, Ўзбекистон худуди ва тарихида илк бор бунёд этилган ушбу мажмуанинг шакл-шамойили ва қиёфасида қандай маъно-мазмун ва гоё мужассамлашгани ҳақида қизиқиш ва турли саволлар пайдо бўлиши табиийдир.

Шундай саволлар ҳақида фикр юритар эканмиз, жуда бир содда, лекин ўта чуқур ва маъноли бир масалани ўртага қўйишимиз ўринли. Бир ўйлаб кўрайлик, бутун мамлакатимиз микёсида кенг нишонланаётган сана, қадимий Насаф деб ном олган қалъа, ҳозирги навқирон Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйининг асосий сабабчиси ким ўзи? Қанча-қанча синов ва бўронларни бошидан кечириб, ўз она заминини не-не босқинчи, ёвуз кучлардан, ҳар қандай балоказолардан қўз қорачигидай асраб-авайлаб келган, ўз зурриёди ва насл-насабини ақл-заковат, мардлик ва матонат соҳиб этиб тарбиялаган, улар орасидан дунёни ҳайратга солган олим уламолар ва

сонлар сиймосини мужассам этган мана шу гўзал бадийи обидани айнаган шу тарихи дунёга келди.

Этибор беринг, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, ушбу ҳайкал пойидаги тегирмон тоши бамисоли ҳаёт гардиши каби шиддат билан айланиб, замон, давр тинимсиз ўзгариб боришини англатиб турибди. Тегирмон тоши узра эса бир-бирини асраб-авайлаб, бир-бирига елкадош бўлиб, ўз она замида мустаҳкам турган, диёрини бутун дунёга танитган, ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам ўзига ишониб яшаётган, халқимизнинг таянчи ва сунъчи бўлган меҳнаткаш оила тасвири мужассамлашган.

Мана шу муҳташам монументда намоён бўлган сиймолар қаддиқомати, чехраси, қиёфаси ва қарашлари билан айнаган Қашқадарё воҳасида яшайдиган, чўл синовлари ва қийинчиликларида тобланган одамларни ўзида яққол акс эттиради, десам, янглишмаган бўламан, деди Ислам Каримов.

Оила бошлиғи бўлмиш ота сиймосида бутун куч-қуввати ва меҳрини оиласи ва фарзандларига, эл-юртига бахш этган, қўли қадок, бағрикенг, фидойи ва заҳматкаш инсон қиёфаси, она тимсолида эса мунис ва меҳрибон ўзбек аёли намоён. Ҳаётга катта ишонч билан кириб келаётган, илм-маърифатга ташна навқирон йигит — ўғил сиймосида оталар ишини муносиб давом эттиришга қодир, азму-шижоатли ёш авлод вакилини, она бағридаги навниҳол қизча тасвири орқали эса — оиланинг файзу кўрки, бахт ва гўзаллик рамзи, ҳаёт давомчиси бўлган ўзбек қизини кўрамыз. Шу маънода, ўйлаётганимиз, ушбу ҳайкал тимсолида Қашқа воҳасида яшаётган ҳар қайси инсон худдики ўз қиёфаси ва ўз оиласини кўргандек бўлади.

Шунинг учун ҳам ушбу монументга «Эл-юрт таянчи» деб ном берсак, шу муаззам ҳайкалда миллий гоёмизнинг бош мақсади ўзининг чуқур аксини топган, у ҳаётимиздаги энг олий қадрият бўлмиш инсонни улғулашдек талаб ва мезонга ҳар томонлама жавоб берган бўлур эди, деди Президентимиз.

Биз кўп маъноли бу ҳайкал пойига гулчамбар қўяр эканмиз, айни пайтда, юқорида зикр этилган фикрларни чуқур англаб, Қашқадарё воҳасининг қадимий тарихига, шу заминда яшаб ўтган буюк мутафаккир ва азиз-авлиёлар хотирасига бош эгамиз, бугунги кунда шу юртни ардоқлаб, обод қилиб келаётган, унинг ёруғ келажаги учун фидокорона меҳнат қиладиган барча инсонларга ҳурмат ва эҳтиром бажо келтирган бўламыз.

Мен ишонаман, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари, орадан йиллар, замонлар, асрлар ўтар, лекин мана шу ҳайкалда акс этган

Ҳулом МИРЗО,
Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
Ўза махсус мухбирлари

✓ **Кўшалок тўй шодиёналари**

Куюш эндигина уйғонаётган, тонг ёришиб шаҳарнинг улкан иморатлари заррин нурларга чулғанаётган бир пайтда кўна ва навқирон Насаф жамолини томоша қилсангиз баҳри дилингиз очилади. Субҳи содиқнинг насимлари хуш ёқиб, кўнгилга ором бағишлайди.

Етти ярим минг гектар майдонни эгаллаган, «Буюк ипак йўли» чорраҳасида жойлашган қадим Қарши шаҳрида 220 минг киши яшайди.

Кенг ва равон кўчалар, ойнадек сип-силлик йўллар, камалакдек жилоланаётган фавворалар, буюк аждодларнинг истеъдодини оламга намойиш этаётган бетакрор обидалар, қадим қалъалар қаъридан топилган асори атиқалар, серманзара боғу-роғлар шаҳар чиройини янада очиб юборган.

Аждодларимиз томонидан 2500 йил муқаддам яратилган зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да инсон ҳаётининг мазмуни ва яшаш тарзи ҳақида ажойиб фикрлар бор. Уша даврда 12 минг хўкиз терисига ёзилган ва 2 миллион байтдан иборат бу китобда ҳар бир инсон ўзи ўсиб улғайган заминни энг яхши ва гўзал мамлакат деб тушунмоғи, яхшилик ва эзгулик яратиш учун меҳнат қилиши, ўз кўллари билан моддий ноз-неъматлар яратилиши лозим дейилади.

Элим деб, юртим деб яшаётган қашқадарёликлар Қарши

ҳатто Эронда ҳам учратиб бўлмайди. Бу дарё киргоғида қулоқ ёзган ва Қаландархона деб аталадиган боғ эди».

Юбилей олдидан Қашқадарё соҳилида одамлар кўнгил очадиган дам олиш маскани вужудга келди. Дарёнинг Қарши шаҳрини кесиб ўтган қисмида XVI асрда Абдуллахон II томонидан бунёд этилган, Марказий Осиёдаги энг йирик, қадимий кўприк тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Узунлиги 136 метр, эни 8,5 метр, дарё сатҳидан баландлиги 7 метрдан ортиқ бу қадимий обида аждодларимиздан қолган бебаҳо бойлиқдир.

Алишер Навоий номидаги Маданият ва истироҳат боғи ва унда Талимаржон ГРЭСи қурилиши бошқармаси бунёдкорлари томонидан қисқа муддатда қуриб битказилган 2800 кишилик амфитеатр, тоза сувларга

шида мурод эшиги бўлган.

Хукмдорлик мақомини кўлга киритган йирик давлат арбоби асосий диққатини ўз салтанатининг пойтахти ва туғилган шаҳри Шаҳрисабзга қаратган бўлса-да, оғир кунларида паноҳ бўлган Қарши ва унинг атрофидаги мафтункор чўлларни унутгани йўқ. Орадан 20 йил ўтгандан сўнг 1385-1386 йилларда Амир Темур яна шонушавкат билан Қаршига келиб, бу ерда мухташам иморатлар, жомеъ масжиди, Чорсу ва ҳаммом қурдирган. «Боғи Гулшан» деб аталган истироҳат маскани барпо этган. Ана шундай тарихий ёдгорликлардан бири Одина масжиди ва Сардоба мустақиллик шарофати билан ўзининг эски қаддини тиклади.

— Воҳамиздаги Оқсарой, Доруссаодат, Доруттиловат, шаҳар мудофаа девори, Ерқўрғон, Сангиртепа, Узунқир, Подаёктепа, Қаландартепа ва Китооб қалъаси девори, Занжирсарой каби ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг

нинг эски ўзани тиклиниб, салқин ва баҳаво муҳит яратилди. Мамлакат бўйича ўтказилган кўрик танловда Қарши энг тоза ва обод шаҳар, деб топилди.

— Дунёнинг яқин-олис манзилларини кўрган бир қария сифатида ўзим туғилиб ўсган, киндик қоним томган заминни оламнинг ҳеч қандай гўзалликларига алмаштирмайман, — дейди саксон йиллик умрининг олтмиш йилини Қашқадарё тараққиётига бағишлаган Исом ота Жалилов ифтихор билан. — Фарзандларим, неварачевараларим онги-шуурига ҳам шу фикрни сингдираман. Она юртининг мусаффо ҳавоси, тоза суви, чўллари, бўстонлари, шарқироқ сойлари, тоғу-тошлари, такрорланмас манзараларини ўзга юртининг жаннатидан устун қўяман.

Юбилей тантаналарида ҳақ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов билан ҳам учрашдик.

— Шу заминда вояга етган,


лар ҳисобига 1100 нуқтага кўпайтирилди. Болалар истироҳат боғига ҳар-хил аттракционлар, ҳатто «Як-40» самолёти ўрнатилди.

Тантаналарда 100 ёшдан ошган отахон Боймамат Шеровни учратиб қолдик. Уч асрнинг гувоҳи бўлган қария анча тетик ва бардам кўринади.

— Шаҳарнинг бугунги қиёфасини ва катта ўзгаришларни кўриб ҳайратда қолдим, — дейди отахон қувонч билан. — Айниқса, «Кўкғумбаз» жомеъ масжиди мукаммал таъмирланди, бир йўла 10 минг киши номоз амалларини бажариши учун шароит яратилганлиги қувончимизга қувонч кўшди.

— Масжиду мадрасаларнинг янги қиёфа касб этганлиги, шаҳримизга Франция, Германия, Малайзия, Хитой, Яқин Шарқ мамлакатлари ва Ҳамдўстлик давлатларидан юзлаб сайёҳларнинг келаётганлиги Қаршининг жаҳон миқёсидаги нуфузини оширади, — дейди Му-

«Авесто»дек қадимий, истиқлолдек навқирон



шаҳрининг 2700 йиллиги, буюк жаҳонгир бобомиз Амир Темурнинг 670 йиллигини муносиб тўғалар билан қутиб олдилар. Салкам 500 минг тонналик пахта хирмони бунёд этилди. Кўшалок юбилей нафақат серқуёш диёримизда, бутун Қашқадарё воҳасида бобокалонимизга бешик бўлган, уни вояга етказган ота макон Шаҳрисабзда, юртимизнинг ҳамма бурчакларида нишонланмоқда. Қадимий Оқсарой улуг жаҳонгир даҳлик қудратининг рамзи, буюк орзулари, армон-изтироблари, навқиронлик кунларига гувоҳ бўлган муқаддас макон сифатида ҳамон қад тутиб турибди. Амир Темурнинг «Куч — адолатда» деган сўзлари ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, инсонпарвар фуқаролик жамиятини шакллантириш таъминини таъминлашга асос қилиб олинган.

Венгер шарқшуноси Герман Вамбери «Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат» китобида Буюк Ипак Йўли ўтадиган серқатнов манзилда жойлашган Қарши шаҳри ҳақида тўлиқлиниб ёзади. Хорижий олимнинг кузатувларида қайд этилганидек, XIX аср ўрталарида Қаршида 10 та карвонсарой, жуда катта бозор бўлган. Венгер сайёҳида таассурот қолдирган яна бир ҳолат, шарқона маданият ва истироҳат боғи кўриниши эди. «Қаршида омма учун очик бўлган дам олиш жойини кўриб тамомла ҳайратда қолдим, — деб ёзади Герман Вамбери. — Буни нафақат Бухоро ва Самарқанд,

тўла ва мрамор фавворалар билан безатилган кўллар мажмуаси, битон қопламалар олиб ташланиб, гулзорлар бағрида яратилган Мустақиллик майдони, Олимпия захиралари коллежи, «Нуристон» академик лицейи, «Насаф» ва «Геолог» ўйингоҳлари, ўндан ортиқ янги коллежлар, мактаб ва боғча бинолари, спорт ва маданий-маиший иншоотлар, ҳамма қулайликлар муҳайё этилган меҳмонхоналар шаҳар чиройига чирой кўшади. Ободонлаштириш ва қурилиш ишларида тошкентлик, самарқандлик, хоразмлик ва Фарғона водийсидан келган кўплаб халқ усталари, меймор ва қурувчилар фаол қатнашдилар.

Миллоддан аввалги асрларда вужудга келган, жаҳоннинг энг қадимги манзиллари билан бўйлашадиган Шаҳрисабз ва Насаф дунё тамаддунининг кўна масканларидан ҳисобланади.

Жуда кўп жангу-жадалларни кўрган, мўғул истилочилари томонидан вайрон этилган Қаршига XIV асрнинг 60-йиллари ўрталарида Сохибқирон Амир Темурнинг назари тушди. Буюк жаҳонгир ўзининг марказлашган давлат тузиш борасидаги фаолиятини айнан шу ерда бошлаган. Шаҳарда 1365-1366 йилнинг кишида мудофаа қалъасини бунёд этган, унда куч тўплаган. Нафасини ростлаб, йўлига ғов бўлган рақиблирига қарши қурашни давом эттирган. Айнан Қарши Сохибқирон Амир Темурнинг буюк мақсадларига эриши-

муминсоний қадриятлари рўйхатига киритилган, — дейди Қарши Давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Обод Жўрақулов. — Юбилей муносабати билан Шаҳрисабз ва Қарши шаҳар тарихий-маданий ёдгорликларини таъмирлаш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилди.

Археологик топилмалар, қадимий иморатларнинг ҳар бир гишти олис ўтмишни эслатади. Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти ходимлари, ўз соҳасининг етуқ билимдони, тарих фанлари доктори, профессор Рустам Сулаймонов бошлик экспедициянинг Ерқўрғон харобаларида, Кунжултепада, Шуликтепада ва бошқа қадимий масканларда олиб борилган қазималари пайтида топилган ашёлар Қаршининг ҳақиқий ёшини аниқлаш учун илмий асос бўлди. Олимнинг бундан икки йил илгари чоп этилган «Нахшаб: унутилган тамаддун сирлари» илмий асаридеда она шаҳримиз тарихига оид кўплаб қимматли маълумотлар ўз аксини топган.

«Ерқўрғоннинг фан учун ўзига хос қиммати шунда эдики, — деб ёзади Рустам Сулаймонов, — Бу шаҳар худди археологик қўриқхона каби сақланиб қолган, унинг қолдиқларига XX асрга қадар деярли зиён етказилмаган эди».

Президент ва ҳукуратимиз қарори асосида ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ ЮНЕСКО қарори бўйича Ўзбекистон Миллий комиссияси, тегишли вазирликлар, халқаро ва Республикаимиздаги илмий марказлар иштирокида «Қаршининг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзусида катта конференция ўтказилди. «Қарши — Ўзбекистон дурдонаси» кўрик танлови ўтказилиб, ўзбек, рус, инглиз, француз тилларида альбом-альманах чоп этилди. Шаҳар манзаралари акс эттирилган буклетлар чиқарилди. Илмий-оммабоп ҳужжатли фильмлар яратилди.

Ҳозирги пайтда Қаршида 62 та маҳалла бўлиб уларни ободонлаштириш доимий эътиборда турибди. Маҳалла ва гузарларда 200 минг туп мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари, ярим миллионга яқин гуллар ўтказилди. Шаҳар ўртасидан кесиб ўтувчи Бешкент ариғи-

чўл ҳавосида ўсган биз юрдошлар учун бу кунлар умрбод унутилмас, — дейди Абдулла ака қуёш нурларида жилоланаётган ёдгорликларга ўйчан боқар экан. — Боболаримиз, авлод-аждодларимизнинг сўнмас руҳи ҳаммамизга куч-қувват бағишлайди. Янгиланган, бир-бирга ўхшамайдиган иморатлар қад кўтарганки, бундай эврилишлар она шаҳримизнинг тараққиёт йўлига кирганлигини кўрсатиб турибди.

Қаршининг юксалиши учун тамал тошини қўйган бунёдкор инсонлардан бири мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовдир. Юртбошимиз 1986-1989 йилларда Қашқадарё вилоятида биринчи раҳбар бўлиб ишлаб юрган пайтларида шаҳар ҳаётига катта эътибор қаратган эди. Уша даврларда кўплаб замонавий турар-жой бинолари, мактаблар, болалар боғчалари, янги бозор, мебеллар уйи, спорт мажмуалари, ёшлар маркази ва бошқа бинолар қурилди. Кўчалар, маҳаллалар ва йўллар ободончиликка юз тутди. Шаҳарга қўшимча газ ва сув олиб келинди, кўкаламзорлаштирилди. Дарахтзорлар, хиёбонлар яшнади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига асосан 30 дан ортиқ юбилей иншоотлари, Кўкғумбаз, Шарофбой, Бекмирқозоқ, Қиличбой, Абдулазизбой мадрасалари, Одина жомеъ масжиди, Қарши сардобаси, Ҳожа Убайда ал Жарроҳ зиёратгоҳи, Чармгар масжиди каби обидалар, жумладан, 10 та тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Насаф, Ўзбекистон ва Амир Темур шоҳ кўчалари, шаҳар ички йўллари қайта реконструкция қилинди. Иккита сув иншооти, 15,7 км ичимлик сув қувурлари, 17 км узунликдаги табиий газ тармоқлари таъмирдан чиқарилди. 13 та маҳаллага ичимлик сув қувурлари, 12 та маҳаллага табиий газ тармоқлари тортилди. Шаҳар телефон алоқа тармоқлари рақамли замонавий АТЭС-

борак газни қайта ишлаш заводи чилангари, Ўзбекистон Қаҳрамони Қобул Мўминов.

— Қаршида Республика ўқувчи ёшларининг «Умид ниҳоллари - 2006» мусобақаларининг финал босқичи, мамлакат миқёсидаги аёллар спартакиадаси ва бошқа спорт мусобақаларининг ўтказилиши шаҳримиз довурига янада оширди, — дейди қаратё бўйича Осиё чемпиони София Каспулатова. — Бу мусобақалар Интернет тизими орқали жаҳоннинг эллиқдан ортиқ мамлакатларига намойиш этилди.

Ўз даврида Қарши шаҳри Ислом оламида ҳадисшунослик марказларидан бири сифатида маълум ва машҳур эди. Бу муқаддас заминдан Абул Муъийн ан-Насафий, Нажмиддин Умар ан-Насафий, Абу Усмон Саид ибн Иброҳим ан-Насафий, Мустағфирий ал Насафий, Хафизиддин Насафий, Сайидо Насафий каби 200 дан ортиқ шоирлар, тарихчи олимлар, Ислом тариқати уламолари етишиб чиққан. Тарихчи олим Поён Равшанов, исломшунос Убайдулла Уватов Қашқадарё воҳаси ўтмиши, Қарши шаҳрининг маданий мероси ва қадриятлари, яшаб ўтган алломалар ҳақида кўплаб асарлар яратиб, тилга тушган. Айниқса, авлодларига 18116 мисра шеърларини мерос қолдирган Сайидо Насафий Ўрта аср адабиётининг ҳамма жанрларида қалам тебратган. Тарихий манбаларни ўрганиш давом этмоқда.

Нафақат кундузлари, кечалари ҳам нурафшон Қарши ўз жамолини кўз-кўз қилмоқда. Тунлари чароғон, хилма-хил ёриткичлар ўрнатилган. Минглаб чироқлар юлдузлар билан баҳслашгандек теварак-атрофни мунаввар этади. Турли миллат ва элат вакиллари бир оиланинг фарзандларидек яшаб меҳнат қилаётган обод ва гўзал шаҳар бағридан таралган истиқлол зиёлари, тонги шабадалар билан уфураётган бахтиёрлик нафаси кўнгилларни чоғлаб, руҳиятни кўтаради. «Авесто»дек қадимий Насаф ўзининг навқиронлик ёшини яшамоқда.

Довуд МАДИЕВ, Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбирлари

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига



Шухратжон бир гуруҳ болаларни эргаштириб, денгиз соҳилини айланиб юрар эди. Қирғоқда турган одамлар орасидан юз-кўзларидан нур ёғилиб турган, етти-саккиз ёшлардаги болаларни етаклаб олган отахон улар томон кела бошлади.

— Ассалому алайкум, — деди соф ўзбек тилида йигитнинг бошидаги дўпписига хавас билан тикилиб.

— Хуш келибсиз, бизнинг юртларга.

— Хушвақт бўлинг, оксокол!

Меҳмон ва мезбон эски кадрдонлардек кучоклашиб кўришдилар.

— Ўзбекистонликмисиз, — деб сўради қария Шухратни бағридан кўйиб юбормай, она юрт хиди келиб турган кўксига бош кўяр экан, кўзлари намланди.

— Ёшим саксондан ошди, — деди отахон денгизга термулиб. — Муҳаммади ога деб атайдилар мени. Такдир тақозиси билан ўзга элларга келиб қолганми. Волидаи муҳтарамам, падари бузрукворим тугилган юртини кўмсаб дунёдан ўтишди. Оллоҳга минг шукрки, мамлакатингиз мустақилликка эришганидан сўнг киндик қони томган Тошкент томонларни айланиб, қариндош-уруғларни кўриб келдик. Хозир хат ёзишиб турамыз.

— Сизни қандай шамол учирди, бу томонларга? — сўради қария ва кўлидан ушлаб тортаётган болаларга турк лаҳжасида деди:

— Булар, менинг ҳамюртларим.

Бобонинг чеваралари ёнимизга келиб, самимий сўрашдилар.

Болакайлар соҳилдаги кумликда ўйинга шўнғиб кетишди. Кичкинтойларнинг беғубор шўхликлари томоша қилаётган иккала юртдошнинг сўхбатлари кўр олди.

Отахон Шухратнинг катта корхонада касабга уюшма раҳбари эканлигини, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини Туркиянинг Анталия шаҳридаги «Пинара» оромгоҳига жамоа ҳисобидан дам олдириб кетаётганлигини эшитиб, ҳайрати ва ҳаяжонини яшира олмади.

— Офарин! Офарин! Бундай гамхўрлик учун давлатингиз раҳбарини ҳар қанча улуғласа арзийди.

Ўзбек ўғлини хорижлик ватандошининг сўзларини тинглаб, кўнгли тоғдек кўтарилди ва ҳамроҳига ўзи ишлайётган корхона ҳақида гапириб берди.

Отахон Марказий Осиёда энг йирик «Шўртангазкимё» мажмуасида йилига 3,1 миллиард кубометр товар газ, 100 минг тонна суюлтирилган газ, 100 минг тонна газ конденсати, 125 минг тонна полиэтилен гранулари ишлаб чиқарилаётганлигини, 10 миллиард сўмдан ортиқ соф фойда олинаётганлигини, жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотлар АКШ, Россия, Украина каби 15 дан ортиқ хорижий давлатларга экспорт қилинаётганлигини эшитиб ҳайратини яширолмади.

Қария билан кучоклашиб хайрлашар экан, қалби тўлқинланиб кетди. Истиклолга эришган, иқбол чироғи

мангу ёниқ Ўзбекистон диёрида яшаётганлигидан фахрифтихор ҳисларини туйди. Ҳаётдан эрта кетган дўхтир отаси Тўра аканинг бот-бот тақорлайдиган сўзлари ёдига тушди.

— Ватан, сен кўзимнинг қароғидасан, — дерди раҳматлик падари бузруквори. —

Биргина мисол. Оилавий аҳволи ҳисобга олиниб, тўрт юздан зиёд ишловчига 23 миллион 218 минг сўм маблағ фақат дори-дармон сотиб олиш учун ажратилди. Ишчи-хизматчиларга ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 2 баробари миқдорда овқат пули бериб борилади. 625 нафар касабга

кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидан 50 нафари ана шу масканда дам олиб, мароқли ҳордиқ чиқардилар.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак. Эзгу амаллар қалбларда сақланиб қолади. Корхонада ўз фаолиятини бошлаган Суннат Имомов бахтсиз тасодиф туйфайли ҳаётдан барвақт кўз юмган эди. Мажмуа раҳбарияти ва

ган. Уларга кўшимча иш ҳақи берилади, бепул иссиқ овқат ва сут-қатиқ маҳсулотлари тарқатилади. Бундай ибратли ишлар Абдувоҳид Ваҳобов раислик қилаётган механика-таъмирлаш, Музаффар Баба-тов раис бўлган ички сув таъминоти цехлари касабга уюшма ташкилотларида ҳам амалга ошириляпти.

— Маънавий юксалишни, ёш авлод истиқболини ўйла-

ВАТАН, АЙРИЛМАСМАН КУЧОҚЛАРИНГ ДАН

уюшма аъзоларига санаторий ва профилакторийларда даволаниши учун имтиёзли йўлланмалар тарқатилди.

Мажмуа ҳузурида ҳозирги замон тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган тиббий марказ ишлаб турибди. Шифохонадаги жарроҳлик, терапия, тиш даволаш, физиотерапия хоналари, фитобар, лаборатория улар хизматида. Яқинда газчилар қўргониди тўлиқ компьютерлаштирилган 844 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб, 140 ўринли «Эркатой» болалар боғчаси, 32 та замонавий коттеж, 2 та 40 хонадон яшайдиган тураржой ва бошқа маданий-маиший бинолар қуриб фойдаланишга топширилди. Вилоят марказидаги «Геолог» ўйингоҳи таъмирланиб, 2800 томошабинга мўлжалланган ёпиқ стадион барпо этилди. Мажмуа атрофидаги экологик муҳитни яхшилаш учун 100 гектарлик ўрмонзор барпо этилди. Барча қулайликлар яратилган «Лочин» оромгоҳида ёзги мавсумда юзлаб ўғил-қиз соғломлаштирилди.

Жисмоний тарбия ва спорт ишлари кенг йўлга қўйилган. Корхона ҳомийлигидаги «Севинч» аёллар жамоаси мини футбол бўйича иккинчи марта Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Жамоа Таиландда ўтказилган Осиё ўйинларида юқори натижаларга эришди.

Мана бир неча йилдирки, Қамаши туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги 4-Меҳрибонлик уйи ҳомийликка олинган. Жамоа маблағлари ҳисобидан болалар маскани қайтадан таъмирланиб, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Ичимлик суви олиб келинди. Тарбияланувчиларнинг овқатланиши, кийим-кечаги, ўқув қуроллари билан таъминланиши, турли маданий-маиший тадбирларнинг ўтказилиши маъмурият ва касабга уюшма кўмитасининг доимий эътиборида. Болалар уйига рангли телевизор, қимматбаҳо гилам, мусиқа маркази, 5 миллион сўмлик ўқув қуроллари, дарсликлар тортиқ этилди. Банкда ҳар бир битирувчи учун меҳнат дафтарчаси очилган, ойма-ой маблағ кўйиб бориляпти.

Корхона раҳбари А.Султонов ва касабқўм раиси Ш.Қурбоновнинг саъй-ҳаракати билан тарбияланувчилардан 12 нафари Туркиянинг баҳаво денгиз соҳилида жойлашган «Пинара» халқаро оромгоҳида ёзги таътилни ўтказдилар. Бундан ташқари,

касабқўм раиси боқувчисини йўқотган оиланинг аҳволидан хабар олиб туришибди. Хонадоннинг битмай қолган уй-жойи таъмирлаб берилганлиги, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганлигидан боши кўкка етди. Оила бекаси Гулшоода Ҳамроева, Суннатнинг отаси Даврон бобо Имомов, қайнотаси Очил ота Ҳамроев раҳбарларни алқаб дуога қўл очишади. Бундай оилалардан 16 таси корхона ҳомийлигида, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Абдузокир Нормуродов Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида ўқиш учун контракт тўловларини зиммасига олган мажмуа раҳбариятидан мамнун. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Зеро, ўксик кўнгиларни шод айлаш, етимлар бошини силаш муқаддас Ҳаж зиёрати билан баробардир.

Касабга уюшмаси Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг IV Қурултойи қарорларини амалга ошира бориб ўз аъзоларининг ижтимоий, иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфатларини муҳофазалашда иш берувчи билан ижтимоий шерикчилик тамойили асосида фаолият кўрсатяпти. Корхонада 17 та цех ташкилоти бўлиб, инсоннинг маънавий ва жисмоний куч-ғайратини оширишга қаратилган омиллардан оқилона фойдаланиляпти. Яқинда касабқўм раиси муовини Қулназар Алиев ва мутахассис Шухрат Уватов, раёсат аъзолари Ольга Черенкова, Насиба Ражабовалар билан биргаликда жамоанинг юраги ҳисобланган этилен цехида меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси, техника хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларига риоя этилишини ўргандилар.

Тажрибали мутахассис Марат Муҳаммедшин бошчилик қилаётган объектда 5 та асосий ускуна — газни ажратиш, иссиқлик жараёнлари, пирогаз тайёрлаш, совуқлик жараёнлари ва олтингургурт олиш қурилмалари ишлайди. 146 кишидан иборат жамоа ишчиларининг кўпи олий маълумотли. Инглиз ва рус тилларини пухта билишади. АКШ, Германия, Греция, Жанубий Корея, Италия, Россия, Таиланд, Хитой каби хорижий мамлакатларда тажриба алмашишган. Касабга уюшма кўмитаси раиси Фанишер Мейлимуродов ташкилотчи ва ташаббускор ходим. Бошлангич ташкилотнинг фаоллиги туйфайли ишчилар учун қулай ва хавфсиз шароит яратил-

майдиган раҳбар ютқазди, — дейди касабқўм раиси биз билан суҳбатда. — Раҳбарга қўйиладиган асосий талаблардан бири одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатни мустақкамлаш, маънавий муҳитни соғломлаштиришдан иборат. Бу борада директоримиз Алишер Султоновдан ўрнак оламан. У талабчан, қатъий, айна пайтда кишиларга гамхўр ва фидойий инсон.

19.00 - «Ошикона» мусликий дастури
19.40 - «Теле-хамкор», фойдали газета
20.00 - «Мусликий табасум»
21.00 - НТТ - «Занжир», 7 серия
21.35 - НТТ - «Клип»
21.45 - «Мусликий табасум», музыкальная передача
22.15 - НТТ - «Карши ТВ»
22.25 - НТТ - «Окшом куликлари»
22.35 - НТТ - «Махфий хужжатлар»

ЧОРШАНБА

- 12.00 - Открытие программы
12.05 - «Теле-хамкор»
12.25 - «Детский час», мультсериал
12.50 - «Дружная семейка», сериал
13.40 - «Мусликий табасум», музыкальная передача
14.00 - Художественный фильм «Женская интуиция», 2 серия
15.30 - «30 кадр» - развлекательная передача
16.00 - «Детский час»
16.45 - «Теле-хамкор», фойдали газета
17.00 - «Хит-парад плюс», повтор
18.00 - НТТ - «Болалар соати», мультфильм
18.20 - НТТ - «Эстрада оханлари»
18.40 - НТТ - «Кизилкум ТВ»
19.00 - «Ошикона» мусликий дастури
19.40 - «Теле-хамкор», фойдали газета
20.00 - «Мусликий табасум»
21.00 - НТТ - «Занжир», 8 серия
21.35 - НТТ - «Клип»
21.40 - НТТ - «Шахрисаб ТВ»
21.45 - «Мусликий табасум»
22.15 - НТТ - «Кино сирлари»
22.30 - НТТ - «Клип»
22.40 - НТТ - «Махфий хужжатлар»

ШАНБА

- 9.00 - Открытие программы
9.05 - «Теле-хамкор», фойдали газета
9.20 - «Детский час», мультсериал
9.45 - «Документальный фильм»
10.40 - «Маугли», мультфильм
12.20 - «Ошикона» мусликий дастури
13.00 - Художественный фильм - «Трудный ребенок 2», комедия
14.30 - «Болалар соати»
15.30 - «Мусликий табасум»
16.00 - «Документальный фильм»
16.45 - «Теле-хамкор», фойдали газета
17.00 - «Детский час», мультсериал
17.30 - «Мусликий табасум» музыкальная передача
18.00 - НТТ - «Болалар соати»
18.20 - НТТ - «Эстрада калейдоскопи»
19.00 - «Ошикона», мусликий дастури
19.40 - «Теле-хамкор», фойдали газета
20.00 - «Маугли», мультфильм
21.00 - НТТ - «Мусликий йулга»
21.20 - НТТ - «Халк минбари»
21.50 - «Шоу-бизнес англиклари», информация дастур
22.20 - НТТ - Хит бадийи фильми «Менга турмушга чиксанми?»

ЯКШАНБА

- 9.00 - Открытие программы
9.05 - «Теле-хамкор», фойдали газета

ШАНБА

- 9.00 - Открытие программы
9.05 - «Теле-хамкор», фойдали газета

ЖУМА

- 12.00 - Открытие программы
12.05 - «Теле-хамкор»
12.25 - «Детский час», мультсериал
12.50 - «Дружная семейка», сериал
13.40 - «Мусликий табасум», музыкальная передача
14.00 - Художественный фильм «Женская интуиция», 2 серия
15.30 - «30 кадр» - развлекательная передача
16.00 - «Детский час»
16.45 - «Теле-хамкор», фойдали газета
17.00 - «Хит-парад плюс», повтор
18.00 - НТТ - «Болалар соати», мультфильм
18.20 - НТТ - «Эстрада оханлари»
18.40 - НТТ - «Кизилкум ТВ»
19.00 - «Ошикона» мусликий дастури
19.40 - «Теле-хамкор», фойдали газета
20.00 - «Мусликий табасум»
21.00 - НТТ - «Занжир», 9 серия
21.35 - НТТ - «Мусликий ласзалар»
21.45 - «Мусликий табасум»
22.15 - НТТ - «Тиббий таракхийет сари...»
22.35 - НТТ - «Ешлар кулгагадда»
22.40 - НТТ - «Махфий хужжатлар»

ПАЙШАНБА

- 12.00 - Открытие программы
12.05 - «Теле-хамкор»
12.25 - «Детский час», мультсериал
12.50 - «Дружная семейка», сериал
13.40 - «Мусликий табасум», музыкальная передача
14.00 - Художественный фильм «Женская интуиция», 1 серия
15.30 - «Ошикона», мусликий дастури
16.10 - «Аёллар орауси» повтор передачи
16.45 - «Теле-хамкор»
17.00 - «Болалар соати», (повтор)
18.00 - НТТ - «Болалар соати»
18.20 - НТТ - «Сиз кутган кулиш»
18.45 - НТТ - «Ишон ТВ»
19.00 - «Ошикона» мусликий дастури
19.40 - «Теле-хамкор», фойдали газета
20.00 - «Мусликий табасум»
21.00 - НТТ - «Занжир», 7 серия
21.35 - НТТ - «Клип»
21.45 - «Мусликий табасум», музыкальная передача
22.15 - НТТ - «Карши ТВ»
22.25 - НТТ - «Окшом куликлари»
22.35 - НТТ - «Махфий хужжатлар»

ЧОРШАНБА

- 12.00 - Открытие программы
12.05 - «Теле-хамкор»
12.25 - «Детский час», мультсериал
12.50 - «Дружная семейка», сериал
13.40 - «Мусликий табасум», музыкальная передача
14.00 - Художественный фильм «Женская интуиция», 2 серия
15.30 - «30 кадр» - развлекательная передача
16.00 - «Детский час»
16.45 - «Теле-хамкор», фойдали газета
17.00 - «Хит-парад плюс», повтор
18.00 - НТТ - «Болалар соати», мультфильм
18.20 - НТТ - «Эстрада оханлари»
18.40 - НТТ - «Кизилкум ТВ»
19.00 - «Ошикона» мусликий дастури
19.40 - «Теле-хамкор», фойдали газета
20.00 - «Мусликий табасум»
21.00 - НТТ - «Занжир», 8 серия
21.35 - НТТ - «Мусликий ласзалар»
21.45 - «Мусликий табасум»
22.15 - НТТ - «Тиббий таракхийет сари...»
22.35 - НТТ - «Ешлар кулгагадда»
22.40 - НТТ - «Махфий хужжатлар»

ШАНБА

- 9.00 - Открытие программы
9.05 - «Теле-хамкор», фойдали газета
9.20 - «Детский час», мультсериал
9.45 - «Документальный фильм»
10.40 - «Маугли», мультфильм
12.20 - «Ошикона» мусликий дастури
13.00 - Художественный фильм - «Трудный ребенок 2», комедия
14.30 - «Болалар соати»
15.30 - «Мусликий табасум»
16.00 - «Документальный фильм»
16.45 - «Теле-хамкор», фойдали газета
17.00 - «Детский час», мультсериал
17.30 - «Мусликий табасум» музыкальная передача
18.00 - НТТ - «Болалар соати»
18.20 - НТТ - «Эстрада калейдоскопи»
19.00 - «Ошикона», мусликий дастури
19.40 - «Теле-хамкор»,

Таълим

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам. Ушбу сўзлар замирида айна ҳақиқат ётибди. Ҳақиқат шундан иборатки, бизнинг томиримиз чуқур илдиз отган бўлиб, ботиний бир алфозда муқаддас "Авесто"дан то шу кунга қадар бўлган сарчашмалардан озикланиб, муттасил кувватга тўлиб бораётир.

Келажакка ишонч ила боқишимиз ҳам шу боис. Бизда илм аҳли азал-азалдан эъзоз топиб келган, ҳозир ҳам шундай. Бундан бугун бутун дунё эътироф этмоқда. Шундайки, саводхонлик даражаси бўйича биз ҳатто манамен деган мутараққий мамлакатлардан ортик бўлсак ортик-мизки, асло кам эмасмиз.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Н. Акбаров билан суҳбатимиз мавзуси ана шу ҳақда.

— Носирхон Асқарович, яқинда тармоқ ходимларининг Индонезияда бўлиб ўтган халқаро анжуманида иштирок этиб келдингиз. Сафар таассуротлари билан ўртоқлашиш баробарида анжуманда қандай масалалар муҳокама қилингани хусусида сўзлаб берсангиз.

— Жуғрофий харитадан ҳабари бор кишилар яхши билишадди, Жануби-Шарқий Осиё минтақасида жойлашган Индонезияни "минг ороллар мамлакати" ҳам дейишадди. Қиш ва қор тушунчалари маҳаллий аҳоли учун ёт. Аммо, зилзила-ю вулқонлар, тўфону довуллар ҳақида сизга соатлаб ҳикоя қилиб беришлари мумкин.

Биз бу гал Жакартага бутунлай бошқа мақсадда, Халқаро таълим ташкилотининг Осиё — Тинч океани минтақаси бош координатори Алоисус Мэтьюснинг таклифи билан "Ўқитувчилар касаба уюшмаларини мустаҳкамлаш" ва "Барчага сифатли таълим" мавзуларига бағишланган конференцияда иштирок этиш учун йиғилгандик.

Конференцияда қайд этилган рақамлар ҳақиқатан ҳам таълим соҳасида жуда кўплаб муаммолар тўпланиб қолганлигини яна бир қарра ёдга солди. Ўзингиз мушоҳада қилиб кўринг: дунёда катта ёшдагилар ўртасида қарийб 860 миллион киши саводсиз бўлса, 14 ёшгача бўлган 105 миллион бола ҳарф танимайди. Энг ачинарлиси, уларнинг ярми Осиё қитъасига тўғри келади.

Нега шундай ҳол юз берди? Аҳволни ўнглаш учун нима қилиш керак? Барча учун таълим сифатига эришишнинг биринчи шарты шуки, унга бозор маҳсулоти сифатида қаралмаслиги, у ижтимоий хизмат сифатида қолиши лозим. Таълимни хусусийлаштириш кейинчалик тузатиб бўлмас ўта оғир муаммоларни келтириб чиқаради. Таассуфки, қитъамизнинг бир қанча мамлакатларида умумтаълим муассасаларини хусусийлаштириш давом этмоқда, тўрт ойлик тайёрликка эга бўлган малакасиз ўқитувчилар ишга қабул қилинмоқда ва бу ўз-ўзидан таълим сифатига салбий таъсир ўтказмоқда.

Шу муносабат билан Халқаро таълим ташкилоти таъкидлаб ўтдики, таълим ҳуқуқи малакали ўқитувчига эга бўлиш ҳуқуқидир.

Халқаро меҳнат ташкилотининг Жакартадаги вакили Алан Боултоннинг чиқиши, айтиш мумкинки, конференция қатнашчиларини жунбушга солди. Келтирилган фактларга қараганда, айна пайтада жаҳонда 240 миллиондан зиёд бола меҳнат билан банд. Уларнинг тенг ярми Осиёга тўғри келади. Биргина ҳинд диёрида 80 миллион бола ишлашга мажбур. Энг ачинарлиси, улар орасида қизларнинг борлиги ва табиийки, саводсизлик борасида ҳам улар ўғил болаларга нисбатан кўпчиликни ташкил этади. Юзага келган мавжуд аҳвол болалар меҳнати ва таълим ўзаро боғлиқ тушунчалар эканлигини,

бирини ҳал қилмай туриб бошқасида ўнгланиш бўлмаслигини англатади.

Шу маънода (агар нокамтарликка йўймасангиз) Ўзбекистон,

Осиё учун, балки бутун дунё учун ҳам гоят юқори натижа эдида!

Табиийки, бунга қандай эришилганлигига қизиқувчилар кўп бўлди. Шу боис саволларга жавоб беришга тўғри келди. Таълим учун давлат бюджети харажатлари 2006 йилда 30,2 фоизни ташкил этиши ҳақидаги маълумот барчани ҳайратга солди. Таълим тизимидаги ислохот, шунингдек, таълим жараёни иштирокчиларининг, энг аввало

ассасаларида Директор фондидан ходимларга ойлик қўшимчалар ва қўллаб-қувватлашнинг бошқа турларини белгилаш махсус комиссиялар томонидан қабул қилинади ва қайд этиш лозимки, ушбу таркибда касабакўм раислари ҳам бор.

Вазирлар Маҳкамасининг "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ раҳбар ва педагог ходимларни

фарзандларимиз бизларга қараганда доно, билимли, соғлом ва албатта бахтли бўлишлари керак. Бу сўзлар бутунги кунда барчамиз учун ички бир давватга айланди. Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган том маънода оламшумул ишлар қаршисида ҳатто фанимларимиз ҳам эътирофдан бошқа чора тополмаяптилар. Бир тасаввур қилинг-а, яқин келажақда касб-хунар коллежлари сони 1611 тага ва академик лицейлар сони 181

Истеъдодлар — мамлакат келажаги

уларни асраб-авайлаш ва қўллаб-қувватлаш керак



ўқитувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилашга қаратилганлиги ҳам кўпчиликда ҳавас уйғотди.

— **Ҳаммамизга яхши маълумки, дунёнинг энг тараққий топган мамлакатлари билан ҳисобланмиш Япониянинг шу даражага эришиши таълим соҳасига жуда катта аҳамият берилганлиги билан изоҳланади. Халқаро экспертларнинг эътироф этишича ва ўзингиз**

юқорида айтган фикрлардан ҳам кўриниб турибдики, Ўзбекистонда таълим-тарбияга муносабат давлат сийбати даражасига кўтарилган бўлиб, у ҳозирданоқ ўз самарасини бера бошлади. Бу борада касаба уюшмаларининг ўрни қандай?

— Қаерда меҳнатга яраша рағбат бўлса, ўша жойда иш унуми ортади. Педагог ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳукумат қарорларини бунинг яққол тасдиғи, деб айтишимиз мумкин. 2006 йил 1 январдан эътиборан, педагоглар ва халқ таълими муассасалари раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашда янгича тариф ставкаларининг жорий қилиниши, ўзини ҳар жиҳатдан кўрсатган соҳа кишиларини рағбатлантириш учун мактабларда Директор фонднинг ташкил этилиши, шак-шубҳасиз, ўқитувчиларга бўлган ҳурмат-эҳтиром тобора ортиб бораётганлигини тасдиқлайди.

Кези келганда, иш ҳақи ва ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ ҳар қандай масала касаба уюшмалари иштирокисиз ҳал этилмаслигини алоҳида таъкидлашни истардим. Дейлик, умумтаълим му-

аттестация қилиш ҳамда уларга малака тоифасини бериш тартиби юзасидан Низом ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур комиссия таркибига ҳам касаба уюшма ташкилоти вакиллари киритилган.

Бир сўз билан айтганда, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари мамлакатда таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларни амалга татбиқ этишда фаол қатнашмоқда. Бундан ҳам билса бўладики, касаба уюшма Марказий кенгаши, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълими вазирликлари, Ўрта махсус ва касб-хунар таълими маркази мутахассислари ва комиссиялари томонидан тайёрланган битим лойиҳалари жойларда муҳокамадан ўтказилиб, уларнинг эътироз ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади ва имзоланади. Бу тармоқ ходимлари барча тоифалари манфаатларини мос равишда инобатга олиш имконини беради. Ҳар олти ойда ҳайъат ва коллегиялар қўшма мажлисида тармоқ келишувларининг ижроси кўриб чиқилади.

Ўзаро ҳурматга асосланган бундай тартибни бармоқ билан санарли мамлакатлар тажрибасиданга кузатиш мумкин.

— **Истеъдод эгаларига ҳар жойда дуч келамиз. Лекин уларнинг куртак ёзиб, барг чиқаришлари учун етарли даражада шарт-шароит лозим. Тармоқ касаба уюшмасида бу масала ечимини топиш учун қандай ишлар қилинапти?**

— Халқимизда "бола бошидан" деган ҳикмат бор. Аммо бу бош силанмаса, тўғри йўлга солинмаса кўзланган манзилга етиб бормаслиги ва ҳатто қаровсизлик оқибатида ўз истеъдодини ноқоиз ишларга қурбон бериши мумкин. Шукрки, бизда бу борада тажриба бор. Энг оддий мисол, бу ўқишда ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган талабаларни қўллаб-қувватлаш. Марказий кенгашимиз томонидан 100 дан зиёд талаба устама стипендияга муносиб топилган бўлиб, бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан 42 нафар олий ўқув юрти талабалари, 110 нафар ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун махсус стипендиялар бериб борилмоқда.

Юртбошимиз айтганидек,

тага етказилади. Бундан йигирма йил муқаддам орзу қилиш ҳам қийин эди.

Халқаро фан олимпиадаларида ҳар йили ўнлаб ўғил-қизларимиз муносиб иштирок этиб, мамлакатимиз чиндан-да истеъдодларга бой эканлигини исботлаб қайтишмоқда. Шундайки, Ўзбекистон яқин истиқболда мутахассислар мамлакатига айланажак. Бу дегани, барча жабҳаларда она ватанимиз эришган муваффақиятли одимлар бошқалар учун эталон вазифасини ўтайди. Бөрүний, Хоразмий, Фарғоний, Ибн Сино каби алломаларни етиштириб берган диёр вақти келиб яна ўшандай дунёни лол қолдиришга қодир фарзандлари билан ҳаммамизнинг нигоҳини ўзига қаратишига умид қилса бўлади. Ахир айтадилар-ку, от ўрнини той босади, деб.

— **Бўзчи билганини тўқийди, дейишади. Лекин бўзчи билганини муҳбир билмаслиги мумкин. Шу маънода яна қандай саволга жавоб беришни истардингиз?**

— Ўқитувчилар ва улар билан боғлиқ ҳар қандай савол мен учун ҳамisha долзарбдир. Барча касб-корларнинг сабабчиси ва барча улуг зотларнинг устозини ҳар қанча алқасак оз. Дунёда энг захматқаш, дунёда энг камтарин, мухтасар айтганда, барча яхши фазилатларнинг соҳиб-ю соҳибалари олдида ҳамisha қарздормиз. Устоз отангдек улуг, дея бежизга бош эгмайдилар.

Бу тармоқ касаба уюшмалари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Бугун бизнинг олдимизда жамоа шартномалари ва келишувлари имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш вазифаси турибди ва бу ўқитувчи мақомини оширишда муҳим омил бўлиши мумкин. Бинобарин, жамиятимизда юз бераётган туб ўзгаришлар, бизнинг фикримизча, амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни, "Ўқитувчи мақоми тўғрисида" янги қонун қабул қилинишини тақозо этмоқда.

Бошқача айтганда, эртанги кунга ишонч ва эгаллаб турган ўрнига эгаллик ҳиссининг устуворлиги ҳеч кимга ортиқчалик қилмайди.

Суҳбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ

Буёқ аждодларимиз


Қадимда Насаф ва Нахшаб номлари билан машхур бўлган Қарши не-не алломаи замонлари билан жаҳонга танилган. Унинг Насаф ва Нахшаб деб аталиши, Чингизхон босқинига қадар фаол ишлатилган бўлса, Қарши атамаси афтидан Чингизхон босқинидан кейин юзага келгандир. Бундай дейишимизга сабаб шуки, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўзининг "Бобурнома" китобида Қарши, Фузур, Кеш, Қоракўл, Суғд, Шовдор каби туман ва вилоятларга тўхталиб, уларнинг ҳар бирига жуда қисқа, аниқ маълумотлар беради. Шунлар қатори у Қарши ҳақида шундай ёзади: "Яна Қарши вилоятидурким, Насаф ва Нахшаб ҳам дерлар. Қарши мўғулча отдур, гўрхонани мўғул тили билан қарши дерлар. Голибо бу от Чингизхон тасаллутидин сўнг бўлгандур. Камоброк ердур, баҳори хўб бўлур, экинни ва қовуни яҳши бўлур. Самарқанддин жануб саридур, бир нима фарба

Қарши тарихини маълум даражада ойдинлаштириб берувчи яна бир манба Абу Саъид Абдурахмон ибн Муҳаммад Идрисий (вафоти милодий 1015 йил.) томонидан ёзилган "Китоб ал-камол лил маърифат ар-рижол" ("Номдор кишиларни танитувчи муфассал китоб") асаридир. Бирок, бу асарнинг ҳам номи бору, ўзи йўқ. Бизга маълум бўлгани шуки, ҳар икки китобни ўқиб, унинг таъсирида насафлик тарихчи олим Абу Ҳафс ибн Муҳаммад Насафий "Китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд" деб номланган асар яратган. Унда ҳам олим Самарқанд ҳақида батафсил тўхталиш билан бирга, Кеш ва Насаф шаҳарларининг қадимги тарихидан кўпгина маълумотлар келтирган.

Мазкур асарда у Қарши шаҳрининг исломгача бўлган тарихини, унинг араб истилочилари томонидан босиб олинishi, Қаршининг диққатга сазовор жиҳатлари, одамлари ҳақида ҳам баъзи маълумотлар етказди. Араб тилида ёзилган бу нодир асар ҳануз топилмади. Бирок, унинг шогирди Абулфазл

берадики, Жамол Қарший машхур шайх Ашраф Косонийдан 12 ёшидан бошлаб тасаввуф илмини ола бошлаган. Кейинроқ у садр Бурхониддиннинг ҳомийлигида "девори иншо" лавозимига кўтарилиб, Сигноқ-тегин саройида хизматини давом эттирган. Аммо у маълум сабабларга кўра кейинчалик Қошғар ҳокимларининг ҳузурига кўчиб кетади. Жамол Қарший бу ерда муқим ўтириб, турли тарихий асарларни яратади. У Қошғар ҳокими Саъиддиннинг кўмаги билан XVI аср бошларида "Ас суроҳ мин ас Саҳоҳ" номли асарини ёзади. Унинг бу асари Исмоил ибн Ҳаммодал-Жавҳарийнинг (вафоти 1008 йил) "Ал Саҳоҳ" ("Мукаммал луғат") номли асарига зайл тарзида ёзилган. Асарда XI-XIII асрлар оралиғидаги турк, мўғул ҳукмдорлари қўл остидаги вилоятлар, Қошғар, Ҳўтан, Фарғона, Шош, Самарқанд, Қарши, Кеш, Фузур, Жанд каби вилоят ва туманлар ҳақида маълумотлар берилади. Жамол Қарший билан яқиндан мулоқотда бўлган шайхлар, уламолар, шоирлар ҳақида маълумотлар ҳам учрайди.

IX-X асрларда ўтган сайёҳ ва йирик



ҳажга борган; эътиқод йўлида собит турган сўфийлардан бўлган. Маноқиблардан эсланишича, у зот умрбод тўйиб овқат емай ҳаёт кечирган эканлар. Шу боис ҳам кейинги сўфийлар уни сабрбардош тимсоли сифатида таниганлар.

"Малфузоти теурий" деб номланган китобда соҳибқирон туғилганда қулоғига азон айтиб, исм қўйган киши Қаршидан чиққан таниқли авлиё Сайид Амир Кулол бўлган эканлар. 1352 йил баҳорда Темур 16 ёшга чиққан, унинг отаси Тарагай Баҳодир уни яна Қаршига — Шайх Сайид Амир Кулол ҳузурига зиёратга олиб борган. Айтишларича, Темур улгайганда "уни яна менинг ҳузуримга келтир", деб шайхнинг ўзи илтимос қилган экан. Улар авлиёнинг қаршидаги ҳужрасига етиб келганларида авлиёнинг ўзи пешвоз чиқиб, эҳтиром кўрсатган. Амир Кулол қўлларини ишқалаб: "Бугун парвардигор қудрати ила минглаб одамларга раҳнамолик қаҳшосини забт этажақ зотни кўриб турибман", деган гапларни каромат қилган экан. Сўнгра у Амир Темур қўлига еттидан нон ушлатиб: "Сен ер юзининг еттидан бир қисмини соҳиби бўлурсан" деб қўшиб қўйганлиги айтилади. Шу-шу бўлади-ю Амир Темур то умрининг охиригача Амир Кулол ва Сайид Баракларнинг руҳонияти паноҳида, зафарли юришлар қилади.

Темурийлар давридаёқ кимки Соҳибқирон тахтига ўтириб, Самарқанд музофотини бошқарса, унга ёндош йўлдош бўлган Қарши вилояти бирон бир амирга, бека ёхуд хожага иқтоъ, суюрғол қилиб бўлиб берилган. Темурийлардан кейин ҳам бу анъана давом эттирилган. Жумладан, XVI аср бошларида келиб Шайбонийлар ва манғитлар Қарши вилоятини ва унга ёндош бўлган кент ва қишлоқларни нуфузли хожалар, сайидлар ва тархонларга инъом қилиб берганлар. Масалан, темурийлар давридаёқ Қаршининг бир қанча йирик-йирик қишлоқлари Жўйбор хожаларидан бўлган Хожа Сайидга суюрғол қилиб берилган. Тарихчи Бадриддин Кашмирийнинг ёзишича, Жўйбор хожаларидан бўлган Хожа Сайид она тарафдан темурий аслзодалардан бири бўлган Муҳаммад Туман манғитнинг набираси бўлган. Муҳаммад Туман манғит эса Ҳусайн Байқаронинг етук ақобирларидандир. У бадавлат ва нуфузли шахс бўлиб, ҳаёт чоғидаёқ Қаршидаги ер мулкни куёви Хожа Муҳаммад Исрома мерос қилиб берган эди.

Бу ҳақдаги ҳужжат Султон Ҳусайн Бадиуззамон, Музаффар Ҳусайн ва Алишер Навоий имзоси ва муҳрлари билан тасдиқланган. Орадан бир аср ўтиб, мамлакатга бутунлай бошқа ҳукмдор эгалик қилади. Абдуллахон Шайбоний Қилич қора султонни маҳв этиб, Қаршини эгаллайди. Ушунда Бухорода Хожа Сайид шайхулисломлик лавозимига ишлаётган эди. 1588 йилга келиб Хожа Сайид Муҳаммад Исромадан қолган Қаршидаги ер-суд мулкни Ҳофиз Ҳайдаркули деган хўжалик ишларини юритувчи амалдор билан бирга ҳаракат қилиб, қўлидаги васият ҳужжатини Абдуллахонга кўрсатади. Шундан сўнг хон мазкур ҳужжатни янгилаш ва бу ер мулкни Хожа Сайиднинг меросий мулки деб эътироф этиш ҳақида фармон беради. Ушунда Абдуллахон Хожа Сайидга Қаршига қарашли Мудан деб аталувчи туманни тортиқ қилиб беради.

Қаршидан чиққан бундай улуг шахсларнинг барини бир кичик мақолада санаб чиқишнинг иложи йўқ. Бугунги кунда ҳам бу муқаддас ва кўҳна масканда вояга етган ўнлаб машхур кишилар, санъаткорлар, олимлар, шоирлар, меҳнат фахрийлари, спортчилар талайгина. Уларнинг бари фидойи меҳнатлари билан республикамизнинг гуллаб-яшнашига, уни жаҳон бўйлаб танилишига ўз ҳиссаларини қўшиб келишаётир.

М. НАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди

ҚАРШИДАН ЧИҚҚАН АЛЛОМАИ КИРОМЛАР

мойил, ўн саккиз йиғоч йўлдур. Бағриқора йусунлуқ қушқина бўлурким, қилқуйруқ дерлар. Қарши вилоятида беҳад ва бениҳоят бўлур учун ул навоҳида мурғоки Қарши дерлар" (Бобурнома, Тошкент, "Юлдузча" нашриёти, 1989 йил, 47 бет).

Тарихий маҳазларнинг далолат қилишича, VII аср ўрталаридаёқ араб босқинчилари Саъид ибн Усмон бошчилигида кўшин тортиб, Насафни вайрон қилиш билан бирга исломга итоат қилмаган ҳар бир шаҳарликни бутун оиласи билан қириб ташлаган. 715-737 йилларда Насаф ҳокими Фурак бошчилигида Қутайбага қарши бир неча марта жанг олиб борилиши натижасида кўплаб қурбонлар берилган. Шу боис бу ерларда азиз ва мўътабар зотлар қўмилган қабрлар, турбатлар, даҳмалар сони беҳад кўп бўлган.

Яна асрлар ўтиши билан Чингиз яловбардорлари ўз ватанини ҳимоя қилган ҳар бир насафликни оилалари билан қиргин-баротга учратган. Ҳадсиз ва ҳисобсиз ўлдирилганларни эса улар дуч келган жойга кўмиб, бу ерда улкан қабристон пайдо қилганлар. Мўғулларнинг бу шаҳар номини Қарши деб аташига биринчи сабаб ҳам шу бўлган дейиш мумкин. Иккинчидан, Мовароуннахр сарҳадида XIV аср бошларидан бошлаб мамлакатда мўғулларга қарши фаол жанг жадаллар кучая бошлаган. Бунгача мўғуллар ўз тасаруфидаги Мовароуннахр ўлкаларини Еттисув томондаги Олмалик қароргоҳидан туриб бошқариб борар эдилар. Мамлакатдаги таҳликали зиддиятлар мўғулларни бу ерга кўчиб келишга мажбур этганлиги ҳам тарихий ҳақиқат. Айниқса, 1318 йилдан бошлаб Келакхон пойтахт қилиб олган Қаршига мўғул кўшинлари, аслзода амалдорлар кўплаб кўчиб кела бошлаган. Қаршида яшаб катта қалъа ва истеҳкомлар қурган мўғул хонлари, қариндош-уруғларининг майитларини ҳам, шубҳасиз, шу ерга кўмганлар. Кейинчалик Чингизхондан қолган "ясоқ ва йўсин"лар теурийлар даврида ҳам қатъийлашиб, қадимги Насаф вилояти мўғулча Қарши номи билан аталадиган бўлган. Чунки чингизийларгача бўлган даврларда яратилган хитой, суғд, араб, форс ва турк осори-атиқаларида, тарихий ва жуғрофий тадқиқотларда Қарши ҳақидаги атама ўрнида Насаф ва Нахшаб терминлари ишлатиб келинади.

Бу қадимий шаҳарда катта қурилиш иншоотлари ёдгорлик сифатида қад кўтармаган бўлса ҳам, бошқа мамлакатларга савдо йўли билан ёки ҳарбий юриш ниятида ўтишда Қарши азалдан бир кўприк вазифасини ўтаган. Бу юртдан жуда кўплаб уламолар, фикҳ олимлари, сўфий-файласуфлар, тарихчилар, машхур дин арконлари етишиб чиққанлар. "Бухоро тарихи" китобининг муаллифи Ибн Наршахий (943 йил вафот этган) Мовароуннахр сарҳадида етук алломалардан саналган Имом Умар Насафийнинг номини келтириб, уни беҳад улуғлаган. Унинг қабри Насафда эканлигини ҳам ёзиб қолдирган.

Муҳаммад ибн Абдужалил ибн Абдумалик бу асарни қисқартириб, форс тилига таржима қилган, унга ўзидан баъзи кўшимча (зайллар киритган. Академик Бартольднинг фикрича, бу асарини ёзишда ал Идрисийнинг "Китобул-қомил" номли асаридан ҳам фойдаланган. Кейинчалик Абулфазлнинг бу китоби-



дан фойдаланиб, XVI асрда тагин бир китоб юзага келади. Уни Саид Аҳмад ибн Мирвали деб аталган тарихчи форс тилида яратган. Бу асарнинг номи "Қандияий хурд" номи билан машхур бўлиб, унда Қарши ҳақида кенг маълумотлар келтирилган. Бу асарнинг кўлөзма вариантлари Германия, Ҳиндистон, Эрон, Саудия Арабистони, шунингдек, Тошкент, Душанбе шаҳарларидаги музей ва кўлөзмалар фондида сақланмоқда. "Қандияий хурд" 1909 йилда рус тилига В.Л.Вяткин томонидан таржима қилиниб, Самарқандда тошбосмада нашр этилган.

XIII асрда яшаб ижод этган тарихчи ва лексикограф олим Абуфазл Муҳаммад ибн Халид Жамол Қаршининг номи ҳам барча йирик шарқшуносларга маълумдир. 1250 йиллардан бошлаб Насафда Сигноқ-тегин қўл остида Жамол Қарший тарихчи ва тарбиячи сифатида саройда хизмат қилган. У Сигноқ-тегиннинг ўғли Элбутархонни ва Жўжихоннинг қизи Бўлгон бекани ҳам ўз тарбиясига олган. Шу боисдан ҳам унга Сигноқ-тегин "Қарший" деган нисбани шахсан тақдим этган. Бу гапларни Бартольд Рашидиддиннинг "Жомеъ ут-таворих" китобига суяниб туриб айтади. Жамол Қаршийнинг "Қошғар тарихи" китобида келтирилишича, XIII асрларда Насафда ҳукмронлик қилган Сигноқ-тегин ва До-нишманд-тегинларнинг мақбаралари ҳам шу ерда қад кўтарган.

"Қомус ул-аълум"да зикр этилишича, Жамол Қаршийнинг отаси замонасининг машхур қироат ҳофизларидан бири бўлган. Онаси эса марвлик машхур шайх Абу Алининг авлодидандир.

Тарихий кўлөзмалар шундан далолат

олим Истахрий 915 йилдан бошлаб Эрон, Мовароуннахр, Сурия, Миср ва Мағриб бўйлаб саёҳат қилгани маълум. Мана шу саёҳат вақтида тўпланган бой материаллар асосида ва замондоши Абу Саҳл ал-Балхийнинг "Сувар ал ақолим ("Иқлимлар суръати") китоби асосида 930 йили ўзининг "Китоби масолик ул-

мамолик" номли қимматли асарини ёзади. 20 бобдан иборат бу жуғрофий асарда Истахрий Миср, Сурия, Ирок, Эрон, Мовароуннахр, Ҳиндистон мамлакатларининг чегаралари, иқлими, маъмурий бўлиниши, машхур шаҳарлари, уларга олиб б о р а д и т а н йўллар, аҳолиси ва уларнинг машғулотлари, таниқли кишилари, савдо-сотик ва бошқа масалаларни баён этади. Жумладан, Самарқанднинг картографиясини берганда, унга туташ вилоятлар — Насаф, Кеш, Термиз каби шаҳарлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар беради.

Кейинчалик Истахрийнинг баъзи картографик хатоларини тузатиш учун ибн Ҳавқал "Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб" номли асарига тавсифланган ҳар бир мамлакат ва вилоятнинг харитасини ҳам чизиб берган. Булар орасида стратегик аҳамиятга эга бўлган Насаф ҳам бор. Ибн Ҳавқалнинг "Йўллар ва мамлакатлар" асари шарқшунос Кремерс тарафидан 30-йиллардаёқ чуқур тадқиқ этилиб, немис тилида чоп этилган.

Қадимги Насафдан машхур сўфийлар, авлиё ва шайхлар ҳам етишиб чиққан. Шунлардан бири XIII асрда Насафда туғилган шайх Азизиддин Муҳаммад Насафийдир. Бу олимдан бизга араб ва форс тилида яратилган бир қанча илмий асарлар етиб келган. Азизиддин Насафий ўз асарларида ишқ, фано, бақо, зикр, ҳақиқат каби тасаввуфий ғояларни назарий жиҳатдан асослаб беришга эришган. Бугунги кунда унинг "Манозил-ул соирин" асари ўзбек тилига таржима қилинган.

Қадимги Насаф IX асрларгача Нахшаб номи билан ҳам номланиб келинган. Нахшабдан етишиб чиққан Нахшабийлар жуда кўп. Бу эса қадимги Қарши бундан ўн аср аввал ҳам буюқ сиймо-ларга бой бўлганлигини кўрсатади. Машхур сўфий Шайх Ҳасан Басрийдан таълим олган Ҳаким ат-Термизий, Аҳмад Хазавий, Яҳё Маоз каби буюқ сўфийлар билан суҳбатдош бўлган Абутороб Нахшабий 806 йилда ҳозирги Қаршида туғилган эди. Нақл қилинишича, Абутороб Нахшабий қирқ маротаба пиёда

Хотира турнири

ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙ

ЁХУД ЎЗБЕК ФУТБОЛИ «ҚАЛДИРҒОЧ»ЛАРИНИ ЁД ОЛИБ

Пойтахтимиздаги «Истиқлол» спорт мажмуида мини футбол бўйича оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган «Спорт» ҳамда «Ўзбекистон футбол» газеталари соврини учун мусобақалар давом этмоқда.

ТАҚДИР ТУҲФАСИ

Инсон ҳаётда нимани чин дилдан орзу қилса, ўша истак йўлида интилиб, ёниб яшаса, албатта Яратганининг ўзи уни қўллайдди. Футбол фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган турнирда қатнашиш учун тахририятимизга таклифнома келганида беихтиёр қувониб кетдим. Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди.

...Ўшанда мактабнинг юқори синфида ўқирдим. Куз ойлари, адашмасам ноябр эди. Биз мактаб ўқувчилари далада пахта йигим-терим ишларида қатнашардик. Бир куни пахта даласида эканимизда дўстим Бакиржон ва мени ўқитувчимиз ёнига чақириб қолди.

— Хўб, шоввозлар. Сизларга иккита йўлланма бор. Футбол томоша қилиб келасизлар, — дея жилмайди домламыз. — Биламан, иккаланг ҳам «футбол деса» томдан ташлайсанлар. Район марказида катта ўйин бўларкан. Ҳалиги «Динамо» (Киев) жамоаси келармиш.

Жуда қувониб кетдик. Ахир «етти ухлаб тушимизга кирмаган» мўъжиза содир бўлаётганди-да! Кимсан «Динамо»дек жамоа Японияда ўйнаса-я.

Эртаси кун тонг сахарлаб ҳамма пахта даласига кетаётганда биз директоримизнинг машинасида туман маркази томон йўлга тушдик. Етиб борганимизда ўйингоҳнинг мухлислар ўтирадиган жойидан ҳар бир мактабдан иккитадан теримчи ўқувчиларга мўлжаллаб алоҳида ўрин ажратилган экан. Ҳақиқатан ҳам таркибида Олег Блохин, Леонид Буряк, Александр Демянен-

ко, Виктор Чанов, Владимир Бесонов, Балтача, Ерёмченко сингари мен исмини ёддан биладиган «Динамо» ўйинчилари ўзимизнинг пахта заводи жамоаси — «Меҳнат»га қарши тўп сурди. Ўйингоҳ мухлислар билан тўлиб-тошган. Ўша куни мазза қилиб футбол томоша қилдик.

Келаси йил Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси меҳмонга келди. Яна ўртоғим билан Марат Кабаев, Нуриддин Амриев, Андрей Якубик,

ти, миллионлар қалбига шодлик улашган, Фарғонанинг чекка туманида футбол байрамлари уюштириб, эзгуликка хизмат қилган, ўздан кўплаб шогирдлар қолдирган футбол фидойиси Олимжон Акбаровнинг номи халқимиз томонидан эъзозланиб, Ўзбекистон туманидаги ўша марказий ўйингоҳга ҳақли равишда у кишининг номи берилди. Ўзбек футбол тарихидан жой олган Олимжон Акбаровга бағишланган турнир ҳам ушбу



спортнинг ролини оширишдан иборат.

Ахир, рост-да ўқувчиларимиз ва телетомошабинларимизни спорт билан шуғуланишга тарғиб этамиз, ўзимизга қолганда вақт тополмаймиз. Хайриятки, бу «анъана»га чек қўйиладиган бўлди.

Журналистлар ички даъватга «лаббай» дея жавоб қайтаришди. Бўлмаса, турнирда 20 та жамоа қатнашармиди! Яна кўплаб журналист бўлмаган ижодий ташкилотлар жамоаларига рад жавоби беришга тўғри келди. Ушбу жамоалар 4 гуруҳга бўлиниб, ҳар бир гуруҳдан икки жамоа чорак финалга йўл олади.

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Нокамтарлик учун аввалдан уэр сўраган ҳолда айтишим лозимки, «Ишонч» газетаси жамоаси ўз тарихида расмий ўйин-

лардаги илк ғалабасини нишонлади.

«Д» гуруҳидан ўрин олган жамоамиз биринчи ўйинда «Тошкент ҳақиқати» газетаси жамоасига қарши тўп сурди ва деярли тенг курашлар остида ўтган баҳсни 3:1 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Гуруҳидаги қолган ўйинда «Наврўз FM» жамоаси «XXI аср» газетаси жамоасини 5:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Гуруҳимиздаги яна бир кучли жамоа «Ёш куч» журнали вакиллари билан ҳам омад юз ўғирди. Улар турнирнинг ўтган йилги ярим финалиси «Наврўз FM» жамоасига 3:2 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ишонч» муҳбири

Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар.



Геннадий Денисов сингари футболчилар ўйинидан завқ олдик.

Албатта, ўшанда бир кун келиб, ушбу ўйинлар ташкилотчиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишланган турнирда тўп суриш ҳаёлимга ҳам келмаганди. Таниқли шарҳловчи, футбол фидойиси Ахбор Имомхўжаевнинг ўша пайтлардаги футбол шарҳлари менда ва дўстларимда футболга ҳамда журналистика касбига меҳр уйғотганди. Тақдир туҳфасини қарангки, бугун Ахбор ака ўйнайдиган жамоага қарши тўп сураимиз. Энг аҳамиятли жиҳа-

хайрли ишнинг давомидир.

МАЙДОНДА ФАҚАТ ИЖОДКОРЛАР

Ушбу турнир очилиш маросимида таъкидлаб ўтилганидек, унда фақат журналистлар, ижодий ходимлар тўп суради. Хотира турнирининг асосий мақсади Олимжон Акбаров тимсолида ўзбек футбол «қалдирғоч»ларини ёдга олиш, қолаверса, қалам аҳли ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва албатта, жисмоний тарбия ва

Қолган учрашувлар қуйидагича яқун топди: Биринчи кун

«А» гуруҳи:
«Маърифат»-«Ўзбекистон нашриёти» — 5:0
«Халқ сўзи»-«ЖТУ» — 4:1

«В» гуруҳ:
МТРК-«Хонадон» — 3:0
«Янги аср авлоди»-«Туркистон» — 2:6

«С» гуруҳ:
«Ўзбекистон футбол»-«Садо FM» — 4:3
«Шарқ» НМАК-«Ўзбекистон овози» — 2:1

Иккинчи кун

«ЎзТВ»-«Маърифат» — 1:3
«Туркистон пресс»-«Ўзбекистон футбол» — 1:4

Ўйинлар 5 ноябргача давом этади.

Кадрлар хизматларининг раҳбарлари ва ходимлари, ходимларни бошқариш бўйича менежерлар, мулкчиликнинг турли шакллари ва иқтисодийнинг турли тармоқларига мансуб корхоналар раҳбарлари диққатига!

Хурматли жаноблар!

2007 йилнинг январ ойидан бошлаб янги ойлик профессионал нашр — «Kadrlar masalalari bo'yicha ma'lumotnoma» / «Справочник по кадровым вопросам» журналы (икки тил — ўзбек ва рус тилларида) чиқа бошлайди.

Нашрнинг «Назариядан амалиётга» деган ғоясига таяниб, журналда фойдали меъёрий-методик маълумотлар, кадрлар бўйича мутахассиснинг кундалик ишида қўл келадиган материаллар, вазирликлар ва идоралар экспертларининг тавсиялари, амалиётчи мутахассислар ва олимларнинг қуйидаги масалаларга доир фикрлари эълон қилинади:

- кадрларга доир иш юритиш;
- меҳнат муносабатлари бўйича юридик маслаҳатлар;
- ходимларни бошқариш;
- кадрлар билан ишлаш амалиёти;
- жойларда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши;
- ижтимоий ҳимоя;
- архив иши;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва бошқалар.

Рукнлар доимий тусдаги материаллар тизимли тақдим этилишини, баён содаллиги эса, материаллар тушунарли бўлишини таъминлайди. Қамраб олинандиган масалалар доираси кенглиги кадрлар хизматининг эндигина иш бошлаётган ходимларига ҳам, бу соҳада бой тажрибага эга мутахассисларга ҳам нашрдан фойдаланиш имконини беради.

Сиз ўзингизга қулай исталган усулда нашрга обуна бўлишингиз ва ўзингизга маъқул муддатга обуна шартномасини расмийлаштиришингиз мумкин:

тахририятда, Тошкент ш., 100015.
Ойбек кўчаси, 20, e-mail: publishing@mcf.uz
тел./факс: (+99871) 152 13 23.
(Энг яхши вариант);
почта алоқаси бўлимида;
шунингдек обуна агентликлари орқали.

Нашрнинг обуна индекси:
индивидуал обуначилар учун — 1134
идоралар обунаси учун — 1135

нашр формати — А4,
саҳифалар сони — 84.

Халқаро молиявий-иқтисодий ривожланиш маркази — Ўзбекистон
«MTSFER-U Nashriyot uyi» МЧЖ



Рўйхатга олганлик тўғрисида гувоҳнома 30.06.2006 й. №498.

Ўзбекистон Республикаси Макroiқтисодиёт ва статистика вазирлиги томонидан Ўзбекистон энгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кўмитаси № 336-сонли 18.11.1998 йилда рўйхатдан ўтган

ОКПО: 17295301 КФС: 152
СОГУ: 04664 КОПФ: 2200
ОКОНХ: 98300 СОАТО: 1726273

гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинсин

Тошкент Давлат техника университети томонидан 1996 йилда Очилов Уктам Мўминович номига берилган № 131625 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади

ҚОНУНБУЗАР ТАДБИРКОРЛАР

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳияти тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш ва унга қатор қулайликларни яратилишига қаратилган. Бироқ, айрим фуқароларнинг жсрий этишган талаб ва тартибларга беписанд муносабатда бўлишлари натижасида уларнинг амалдаги ижроси бир оз оқсалоқда.

Шу каби ҳолатларга барҳам бериш мақсадида Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Мирзо Улугбек туман бўлими ходимлари ҳам доимий равишда тезкор қидирув тадбирларини олиб боришяпти. Туманнинг Пушкин кўчасида Б.Ниёзов бошқарувидаги

«Нексия», Х.Усмонов бошқарувидаги «Дамас» автомашинасида Туркия, Хитой каби давлатларда ишлаб чиқарилган маиший молларни харидорга сотиб, савдодан тушган 3 млн. 322 минг сўм ва 350 АҚШ доллари миқдоридида нақд пулни кассага эмас, балки чўнтакларига ураётганлари маълум бўлиб, уларнинг ноқонуний фаолиятларига чек қўйилди. Шунингдек умумий қиймати 3 млн. 759 минг 500 сўмлик бир неча турдаги 49 дон маиший техника моллари ҳуқуқбузарлардан далилий ашё жиғатида олинди. Аниқланишича, Х.Усмонов «Хадра электроникс» дўғони сотувчиси, Б.Ниёзов эса хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланар экан. Эндиликда улар қилмишлари учун қонун олдида жавоб берадиган бўлдилар.



Инсон саломатлиги ҳар доим энг муҳим масала бўлиб келган. Ҳези келганда айтиш жоизки, ўзимизнинг ёки ўзгаларнинг соғлигига таъсир этувчи ҳар қандай ҳолат жиноят ҳисобланади.

Ўтказилаётган тадбирларда худди шу ҳолат билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатлар аниқланди. Туманда яшовчи Равшан Бурхонов тадбиркорлик қилишнинг ноқонуний йўлини танлабгина қолмай, балки ўзининг бу қинғир ишига фарзандларини ҳам жалб этган. Қисқаси, ота-бола Бурхоновлар Шайхонтоҳур туманидаги цехда «кўлбола» усулда спиртли ичимликлар тайёрлаш билан шуғулланиб келишган. Бу маҳсулотлар истеъмолчилар учун кўпдан бери таниш бўлган «Тошкент» ароғи ва «53» вино ёрликлари остидаги спиртли ичимликлар сифатида сотиб келинган. Хуфиёна тарзда ташкил этилган цех кўздан кочирилганда, ишлаб чиқариш худуди санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган ҳолатдалиги аниқланди. Шунингдек, у ердан 160 минг сўмлик ароқ ва вино маҳсулотлари, республика таъғаси туширилган акциз маркалар, қоғоқлар, турли ёрликлар ва ишлаб чиқариш ускуналари далилий ашё сифатида рўйхатга олинди.

М.ФУЛОМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси матбуот гуруҳи катта инспектори

Туризм



Она диёримизда қадим замондан сайёҳлик ривожланган. Айниқса, Амир Темури ва темурийлар даврида бу борадаги ишлар янада таракқий этган. Тарихий манбаларда ёзилишича, Амир Темури француз қироли Карл VI ва инглиз қироли Генрих IV билан доимий равишда иқтисодий ва маданий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Испаниялик Клавихонинг «Буюк Темурнинг ҳаёти ва фаолияти» китобида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий ҳаёт ва сайёҳларнинг Темур давлатига бўлган интилишлари акс этган. Тарихий далиллардан кўриниб турибдики, республикамизнинг қадимий ёдгорликлари, бой табиий захиралари узоқ йиллардан буён жаҳон халқларини ўзига жалб этиб келмоқда.

ЎН МАРТА ЭШИТГАНДАН

бир марта кўрган афзал



Республикамизда туризм соҳаси мустақиллик йилларида янги босқичга кўтарилди. 1992 йилда «Ўзбектуризм» миллий компанияси ташкил этилди. Мазкур ташкилотнинг асосий вазифаси туризм инфраструктурасини ривожлантириш, замонавий мажмуаларни барпо этиш, янги йўналишларни ишлаб чиқиш ҳамда хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтиришдан иборатдир.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси сайёҳат турига қараб бир қанча йўналишларда фаолият кўрсатади. Булардан асосийси тарихий йўналиш бўлиб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўҳна шаҳарлардаги қадимий ёдгорликлар ва тарихий-маданий обидаларга ташриф билан боғлиқдир. Буюк Ипак йўли ўтган мазкур шаҳарлар халқимизнинг қадимий маданияти ва анъаналари билан чамбарчас боғлиқдир.

Экологик туризм йўналиши эса алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва



сайёҳлар учун экологик жиҳатдан қулай жойларга ташриф билан боғлиқ. Бу йўналишда улар Чимён, Чорвоқ дам олиш ва даволаниш оромгоҳи, Зомин ҳамда Бухоро кўриқхоналарига ташриф буорадилар. Археологик туризм йўналиши энг қадимий топилмалар билан сайёҳларни ўзига мафтун этиб келмоқда.

Бугунги кунда Хива, Бухоро, Шаҳрисабз ва Самарқанд шаҳарларидаги ўнлаб тарихий обидалар ЮНЕСКО халқаро рўйхатига киритилган.

Туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади. «Туризм тўғрисида»ги Қонун ҳамда Президентимизнинг «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони тармоқни ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Туризм ташкилотларини такомиллаштириш ҳамда кичик ва ўрта туристик корхоналарнинг хизмат кўрсатиш

савиясини юксалтириш, шунингдек, хорижий сармояларни соҳага жалб қилиш мақсадида республика ҳукумати қарори билан «Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси» ташкил этилди. Мазкур уюшма 300 дан зиёд туристик корхоналар билан ҳамкорликда фаолият кўрсатмоқда. «Кумушкон» туристик базаси, «Санзар» кемпинг мажмуаси, Чорвоқ, Чимён, Белдерсой дам олиш оромгоҳлари ва юзга яқин хусусий меҳмонхоналар шулар жумласидандир. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида мазкур ташкилот 496 мингдан зиёд кишига, шу жумладан, 226 минг хорижлик сайёҳларга хизмат кўрсатди.

Мамлакатимизда туризм инфраструктурасини янада ривожлантириш, унинг имкониятларини хорижда кенг тарғиб этиш мақсадида турли фестиваллар ташкил этиляпти. Бухорода «Палов сайли», «Ипак ва зираворлар байрами», Самарқандда «Новвойлар кўриги», шунингдек, «Наманган олмаси», «Марғилон ипаги» каби байрам

тадбирлари шулар жумласидандир.

«Ўзбектуризм» кўплаб хорижий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Турли кўргазмаларда иштирок этишмоқда. Яқинда «Ўзбектуризм» ва Қозоғистон Республикасининг туризм ва спорт агентлиги ўртасида битим имзоланди. Айни кунларда Тошкент шаҳрида «Туризм — Буюк Ипак йўллари бўйлаб» халқаро кўргазма ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Унда 20 дан зиёд хорижий давлат вакилларининг иштирок этиши ҳамда туризм борасида янги-янги шартномалар тузилиши кўзда тутилган.

Мамлакатимизда қунданқунга туристлар ташрифи ва уларга хизмат кўрсатиш маданиятининг ошиб бораётганлиги қувончли ҳолдир. Ўзбекистон 1993 йилда ўз саъяди 120 дан ортқ мамлакатни бирлаштирган Жаҳон туристик ташкилотига аъзо бўлди. Шунингдек, мамлакатимиз WTO Европа комиссияси раёсатининг ҳам аъзоси. «Буюк Ипак йўли» лойиҳаси доирасида Самарқанд вилоятида Жаҳон туристик ташкилотининг ваколатхонаси очилган.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг сайёҳаракатлари ва эзгу ишлари натижаси ҳамда соҳани 2006 — 2010 йилларда босқичма-босқич ислоҳ қилиш бўйича тузилган лойиҳага мувофиқ туризмни ривожлантириш замон талаблари босқичига кўтарилади.

Раҳимжон ОРИПОВ,
«Ишонч» мухбири



Ishonch	Бош муҳаррир Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ	Бизга кўнғироқ қилинг: Котибият: 153-52-78 Хатлар бўлими: 153-85-43	Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134	Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.	Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев Навбатчи муҳаррир - А.Кодирова Навбатчи - Р.Орипов Мусаҳҳих - Д.Комолов
	МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Таҳрир ҳайъати: Алла Долженкова, Виктор Зверов (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзохид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулува Нафасова, Пиримкул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Фуломзокир Юсупов	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида боьилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.	«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.	Таҳририятга келган кўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Нашримиздан кўчириб босилгандан «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар «И» белгиси остида чоп этилади.
		E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru			Буюртма Г — 1115 Тиражи: 7627
					Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди -
					Сотувда эркин нархда: 1 2 3 4 5 6 7 8